Қалдирғочлар ўз инини ажойиб тарзда уй тўсинлари ёнидан кўча ва кўлмак четидаги лойга соч, самон кабиларни аралаштириб қуради. У инини босқичма-босқич қуриб боради, ҳар куни эрталаб бир қаватдан қуради ва уни қуриши учун эртанги кунгача тарк этади. Эртаси куни қайтиб, уни яна бир қаватга оширади. У шу йўсинда давом этиб, инини ўн кунлар атрофида биткизади. Уни ўз эҳтиёжига кўра қуради. Кўпинча келгуси йили эски инига қайтади ва янги лой билан уни мустаҳкамлайди ва урғочиси унга тухум қўйиб, бола очади. Агар қалдирғочни яхшилаб кузатсангиз уни бошингиз узра учиб ўтиб, ҳавони чинқириққа тўлдирганига гувоҳ бўласиз. Баъзида уни ер сатҳига пастлаб учиб юрганини кўриб, қилаётган ишининг ҳаммасини ўйин деб ўйлайсиз. Ваҳоланки у ўзи ва полапонлари учун ҳашоротларни шу ҳолатда тутишга одатланган. У полапонларини учишга ва ўзлари озуқа топиб ейишга қодир бўлгунларига қадар озуқалантиради.

## 11-дарс

### Умар ибн Хаттоб ва кампир



Аббос ибн Абдулмутталиб айтади: Мўминларнинг амири Умар розияллоху анхунинг уйини қасд қилиб қоронғу кечада кўчага чиқдим. Йўлнинг ўртасида кетаётган вақтимда бир аъробий шахсни кўрдим, у кийимимдан тортиб: “Мен билан юр эй Аббос”, деди.

Аъробийга тикилиб қараб билдимки, у мўминларнинг амири бўлиб, юзини ўзгартирган эди. Тўхтаб салом бердим ва унга “Қаерга кетяпсиз эй, мўминларнинг амири?” дедим. У: “Бу қоронғу кечада араб маҳаллаларини айланишни хоҳладим”, деди. Кеча салқин эди, мен ҳам унга эргашиб, орқасидан боравердим. У араб чодирлари ва уйлари орасида айланиб, улар ҳақида охирига келгунимизча фикр юритар эди.

Маҳалладан чиқишга яқин қолгандик, бир чодир ичида қари аёл ва унинг атрофида йиғлаб бақираётган болаларини кўрдик. Уларнинг ҳузурида бир ўчоқ бўлиб, тагида олов ёнар, ўчоқнинг устида эса қозон бор эди. Аёл болаларига: “Озроқ сабр қилинглар, овқат пишади ейсизлар”, дер эди. Узоқ турдик, Умар гоҳ кампир ҳақида фикр юритар гоҳ болаларига қарар эди, туришимиз чўзилиб кетди. Унга:

- “Эй мўминларнинг амири, сизни тўхтатган нарса нима, юринг кетдик”, дедим. Умар:

- Аллоҳга қасамки, болаларига овқат қуйиб беришини, ейишларини ва кифояланганликларини кўрмагунимча кетмайман”, деди.

Туришимиз жуда чўзилди, болалар бақирини ва йиғлашда давом этар, кампир уларга: “Секин, секин! Болалар озгина қолди, овқат пишади ейсизлар”, дер эди. Умар менга:

- “Бирга кир ундан сўраймиз”, деди. У кирди, орқасидан мен ҳам кирдим.

- Ассалому алайкум эй хола, деди Умар. Кампир уни саломига чиройли алик олди.

Умар:

“Нега бу болалар бақирини йиғлаптилар?” деди. Кампир:

- Улар очликдан йиғлаптиди, деди.

- Нега қозондаги овқатдан бермаяпсиз? деди Умар. Кампир:

- Уларни овқатлантириш учун қозонда нима бор? Ҳеч нарса йўқ, бақиршдан зерикиб, уларга уйқу ғолиб келгунча овунчоқ бор. Менда уларни овқатлантириш учун ҳеч нарса йўқ, деди. Умар ўрнидан турди ва қозонга қаради, унда майда тош ва сув қайнар эди. Бундан таажжубланиб:

- Бундан мақсад нима? Деди. Кампир:

- Бу овунчоқ. У билан уларни қозонда бир нима пишаяпти, деб гумон қилдираман, улар кутиб, зерикадилар ва кўзларига уйқу ғолиб келиб ухлаб қоладилар, деди. Умар кампирга:

- “Нега сен бундай ҳолатдасан?” деди. Кампир:

- “Мени на акам, на дадам ва на эрим бор, ҳатто қариндошим ҳам йўқ”, деди. Умар:

- “Нега мўминларнинг амири Умар ибн Хаттобга арз қилмайсан, сенга байтул молдан бирор нарса берарди”, деди. Шунда кампир:

“Аллоҳга қасамки, у менга зулм қилди”, деди. Умар унинг сўзини эшитган пайтида бундан кўрқиб кетиб:

- “Эй хола, Умар сенга нима ёмонлик қилди”, деди Кампир:

- “Ҳа, Аллоҳга қасамки, у менга зулм қилди. Албатта бошлиққа қўл остидагиларнинг ҳолидан хабар олиши лозим, чунки менга ўхшаш қўли калта, болалари кўп, ёрдамчиси йўқ одамни топса, унинг ҳожатларига ёрдам қилади ва байтул молдан озуқа бўладиган нарсани ажратиб беради”, деди.

## 12-дарс

### Умар ибн Хаттоб ва кампир

Умар кампирга:

- “Умар, болаларинг кўплиги билан биргаликда камбағаллигингни қаердан билсин, сен бориб ҳолингни айтмасанг?” деди. Кампир:

- “Йўқ, Аллоҳга қасамки, ишончли бошлиқ қўл остидагиларни мухтожларини умум ва хос ҳолда қидирмоғи лозим бўлади. Шояд, ҳаёси ғолиб келиб аҳволини

айта олмаган фақир кишини топса. Умарга кўл остидаги фақирларнинг холини сўрамоқлиги, фақирлар мавлоси ёнига бориб холини билдирмоқлигидан—да кўпроқ вожиб бўлади, агар шундай қилишга Умар бепарволик қилса, бу Умардан бўлган зулм бўлади”, деди. Умар:

- Тўғри айтдингиз холажон, сиз болаларингизни овутиб турунг мен бир соатда келаман”, деди.

Сўнг у чикди, мен ҳам унинг орқасидан чикдим. Итлар вовуллар, мен уларни Умардан ва ўзимдан то омборга етгунимизча қувар эдим. Умар омборни очди ва менга: “Кир”, деб буюрди. Йигирма кадоқ келадиган ун қопини ёнига борди. “Эй Аббос, елкамга орт”, деди. Елкасига ортдим. Ердаги кўзага ишора қилиб, “Бу сарёғ солинган кўзани кўтар”, деди. Омбор эшигини қулфлаб, йўлга тушдик. Унинг соқоли, кўзлари ва пешонасига ун ёпишган эди. Йўлнинг ярмига етганимизда унинг юк кўтариши қийинлаша бошлади, чунки, манзилгача бўлган масофа узоқ эди. “Ота-онам сенга фидо бўлсин эй мўминларнинг амири, қопни менга бергин, мен кўтараман”, дедим. У: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, сен қиёмат куни зулмимни ва жиноятимни кўтармайсан. Эй Аббос шуни билгинки, темир тоғни кўтариш, зулмни кўтаришдан яхшироқ, зулм катта бўлсин ёки кичик бўлсин, деди. Айниқса бу кампир болаларини тош билан овутмоқда, бунинг учун Аллоҳнинг ҳузурида улуғ гуноҳ бор. Тезроқ юр, эй Аббос, болалар кампир айтганидек бақиршдан зеркиб ухлаб қолмасликларидан олдин борайлик деди ва шошилди, мен у билан бирга борар эдим. Биз кампирнинг чодирига етгунимизча у буқанинг ҳансираши каби ҳансираб борди. Чодирга етганимизда, қопни елкасидан ерга қўйди, мен ҳам ёнига сарёғ кўзасини қўйдим. Қозонни ёнига келди ва ичидаги сувни тўкиб ташлаб ёғни солди. Сўнг оловга қаради. Олов яқинда ўчган эди. “Ўтинингиз борми?” деди кампирга. “Ҳа, болам”, деди кампир ўтинга ишора қилиб. У ўрнидан турди ва озроқ ўтин олиб келди. Ўтин хўл эди. Уни оловга ташлаб, ўчоқнинг устига қозонни қўйди. Бошини ерга эгиб, оғзи билан қозон тагига пуфлай бошлади. Ўтиннинг тутуни унинг соқоллари орасидан чиқар эди. Олов ёнгунича шундай пуфлашда давом этди, ҳатто олов

ёнди ва ёғ эриб, қайнай бошлади. Бир қўлидаги ёғоч билан сарёғни қўзғаб, иккинчи қўли билан эса унни сарёғга пишгунга қадар аралаштирди. Болалар унинг атрофида қичқирар эдилар. Овқат пишган пайтда кампирдан идиш олиб келишини сўради. Овқатни сузиб, уни совутиш учун пуфлади ва болаларни овқатлантирди. Умар бирма-бир болаларни шу зайлда таомлантириб, уларнинг қорнини тўйғазди. Болалар тўйдилар, кифояландилар, туриб кўзларига уйқу келгунга қадар бир-бирлари билан ўйнаб–кулиб, охири ухлаб қолдилар.

Шу пайт кампирга қараб “Эй хола, мен мўминларнинг амирининг қариндоши бўламан, сиз ҳақингизда унга айтаман. Эртага тонгда амир ҳовлисига боринг, мени ўша ердан топасиз, сизга яхшилиқни тилайман”, деди. Умар кампир билан хайрлашгач, бирга ташқарига чиқдик. Ташқарига чиққанида: “Эй Аббос, Аллоҳга қасамки, кампир болаларини тош билан овунтираётганини кўрганимда тоғ ларзага келиб, елкамга тушганини ҳис қилдим. Олиб келган нарсамни пишириб уларни таомлантиргандим кейин кифояланиб ўйнаб-кулганларида елкамдан ўша тоғни тушганини сездим”, деди. Сўнг Умарнинг ҳовлисига келдик. У менга: “Юр, кечани мен билан бирга ўтказасан”, деди. Тонг отиб кампир келганда Умар ундан узр сўради ва байтул молдан унга ва болаларига ойма-ой тўланадиган маош тайинлади.

## 13-дарс

### Туяқуш

Туяқуш қушларнинг каттароғи бўлиб, баландлиги бошининг учидан ергача уч ярим зироъгача бўлади. У кўпроқ Африка сахролари ҳамда Араб диёрларида учрайди. Араблар уни “учувчи туя” деб номлайди. Чунки у яратилишида, бўйнинг узунлигида туяга ўхшайди. У туяга ўхшаб чўлларда яшашни яхши кўрада ва туя каби сувсизликка узоқ вақт чидай олади. Туяқушнинг қанотлари учишга қодир бўлмайдиган даражада кичкина

бўлади, лекин у қанотларидан, кемачи қайиғини ҳаракатлантириш учун эшакдан фойдаланганидек фойдаланади ва учишга яқин бўлган тезликда югуришга катта ёрдам олади. Туяқуш ўз уйини чўллардаги қумли чуқурликлардан танлайди ва унга 10-12 тагача тухум қўйиб, устига ўтириб олиб, уни фақат кун ярмида, қуёш иссиқлиги куйдирувчи ҳароратга айланганда тарк этади.

Туяқушнинг тухуми ейиш учун яроқли. Баъзи одамлар Туяқушнинг тухумига жуда кизикадилар. Тухумининг пўстлоғидан қадах ва шунга ўхшаш идишлар ясалади ва филнинг суюғидан ясалган идишлар каби эътиборга олинади. Туяқуш, чопқир отлар ёрдамида овланади.

Туяқуш тез югуришига қарамай, тезликда юқори бўлган от унга етиб олади, чунки туяқуш бир чизикда текис ҳаракатланмай эгри–бугри ҳаракатланади. Моҳир овчилар унинг ортидан текис чизик бўйлаб югуриб, уни толиқтиргандан сўнг ушлаб олади, чунки туяқуш от каби кучли бўлмайди.

Бир сайёҳ Африка саҳроларидаги баъзи халқларнинг туяқушни ғаройиб йўл билан овлаганини кўрганини айтади. Улардан бири устига туяқушнинг терисини ўраб олиб, Туяқушлар тўдасини қасд қилиб, уларнинг орасига етгунга қадар эмаклаб боради, туяқушлар уни ўзларидан бири деб ўйлайди ва уларнинг орасига етиб борганда тўсатдан ўрнидан туриб, ўқини унга отиб овлайди.

Баъзи сайёҳлар мағрибда яшовчи бир бола ўргатилган туяқушни миниб катта тезликда югурганига шоҳид бўлган эканлар. Туяқушнинг қимматбаҳо нарсаси унинг қанотлари ва думининг патларидир. Патларини замонавий жаҳон бозорларида қиммат нархда сотиш ва зийнатланадиган нарсалар яшаш учун туяқушлар овланади.

## 14-дарс

### Шифокор ва бемор бола

Ошқозон овқатлар билан тўлгани сабаб оғриқ пайдо бўлган ва овқат ҳазм қила олмаслик касаллигига дучор бўлган болага шифокор чақирилди.

Шифокор боланинг қўлида марварид ва маржонлар қадалган, ичи олтин ва кумуш билан тўлдирилган ҳамённи кўриб:

- “Бу дирхам ва динорлар билан тўлдирилган ҳамёнга зиёдроқ нарса сиғадими?” деб сўради. Бола:

- “Қандай сиғади, ҳозир унга ҳеч нарса кирмайдику”, деди унинг гапидан ҳайратланиб. Табиб:

- “Агар сенга кўп миқдорда пул берсам мана шу ҳолатда пулларни кармонга сола оласанми?”, деди. Болакай:

- “Унга зиёдроқ нарса киргазиш амри маҳол”, деди. Табиб:

- “Куч ишлатиб сол унда”, деди. Бола:

- “Йиртилади, ахир у марварид ва маржонлар билан безатилган-ку”, деди. Табиб унга:

- “Шуни билгинки болакай, сенинг ошқозонинг бу ҳамён кабидир, қачон тўқ қоринга зиёда нарса есанг уни заифлаштириб қийнаб кўясан, натижада сенга оғриқ ва касалликлар кела бошлайди”, деди.

## 15-дарс

### Кисро ва деҳқон

Эрон подшоси Кисро хурмо кўчати экаётган ёши катта деҳқон олдида тўхтади ва унинг ишидан таажжубланиб:

- “Эй отахон, сенинг умринг фоний бўлса бу хурмо кўп йиллардан кейин мева беради, бунинг мевасидан ейишга умид қиласанми?” деди. Отахон:

-“Эй шоҳим, экдилар едик, экдик ейдилар”, деди. Шоҳ бу сўздан таажжубланиб во ажаб! деди ва деҳқонга 1000 динор берди. Деҳқон уни олди ва шоҳга қараб:

- “Эй шоҳим, бу хурмо жуда тез ҳосил берди-я?!”, деди. Шоҳ унинг гапларига тасанно айтиб, вооҳ! деди. Яна унга 1000 динар берди. Дехқон уларни олди ва шоҳга қарата:

- “Эй шоҳим, ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси шуки, бу хурмо бир йилда икки марта ҳосил берди”, деди. Шоҳ унинг гапларига тасанно айтди ва қойил қолиб, яна 1000 динар бериб, уни тарк қилди ва ўз йўлида давом этди.

## 16-дарс

### Дангасанинг мукофоти

Ҳаёллар саҳифаларининг бирида,  
Ўхшаши йўқ бир ҳикоя келганди.  
Бир чолнинг учта ўғли бўлиб,  
Уларнинг ялқовлиги халқ ичида машҳур бўлганди  
Ота болаларига мерос қолдириб, бандаликни бажо келтирганди.  
Учала ўғилга қолдирган мероси,  
Бир эшакдан бошқа нарса бўлмаганди.  
Уни ҳам ўғиллари ичида энг ялқовига васият қилганди.  
Ўғиллар ичида тортишув юзага келди,  
Меросни тақсим қилиш учун бир қозини ёллади.  
Бири айтди: “Мени эсим йўқ.  
Ялқовлигимнинг чегараси йўқ  
Гоҳида чанқаб жигарим ёниб ариқдан ўтсам ҳам  
Ичимда ин қурган ялқовлик сабаб  
Қуш қултимича ҳам ичмасман”.  
Иккинчиси: “Мен ундан имтиёзлиман  
Нисбатан бериб бўлмайдиган ялқовлик билан  
Гоҳида оғзимга пашша кириб  
Азоблайди аччиқ, аламли чақишда

Тишимни ҳаракатлантирмайман пашшани ҳайдаб

Ялқовликдан қоламан музлаган тошга ўхшаб”.

Ҳужжати кучли бўлган учинчиси

Далил келтиришдан сукут қилди.

Айтди унга Қози, келтир ҳужжатни

Деди ноаниқ қилиб сўзларини,

Ҳужжат кетиришдан ялқовлик қиламан,

Агар қўлга киритсам ҳам барча шодликларни.

Қози муҳр босиб ҳукмга

Деди: “Эй қуруқлик ялқови, шаксиз васият сенга”, деб.

Сўнг мерос қолган эшакка миниб,

Сайр қилди ютуғи ҳақида шеър тўқиб.

## 17-дарс

### Фил

Фил қуруқлик ҳайвонларининг орасида жуссаси каттароғи бўлиб, унинг баландлиги тахминан 10 кадамга етади. У Осиё ва Африканинг иссиқ иқлимларида учрайди. У Ҳинд диёрларида жуда кўп, айниқса Гийлон оролларида. У денгиз соҳили ва қалин ўрмонзорларда яшашни хуш кўради. Унинг табиати сувга ўта мойил бўлганлиги сабаб ариқ ва ҳовузларга кўп келади. Сувда соатлаб туради ва хартуми билан танасининг бошқа жойларига сув пуркайди. Унинг “хартум” деб номланувчи жуда узун бурни, кичкинагина думи ва иккита катта қулоқлари бор. Унинг кўзлари бошининг катталигига нисбатан кичикроқ, устки жағининг икки томонидан чиқиб турадиган иккита катта эгри ва учи ўткир қозик тишлари бўлиб, у улардан қурол сифатида фойдаланади.

Инсонлар унинг тишларидан тароқ, кути, елпиғичлар ва пичоқ соплари ҳамда қимматбаҳо турли-туман буюмлар тайёрлайдилар.



Филнинг хартуми у учун инсоннинг кўлидек. У билан сув ичади, гул ва ўтларни ейди, арқонларни ечади ва эшикларни очиб ёпади. Хартумининг учида бармоқга ўхшаш зиёда нарсаси бор бўлиб, у билан игна ва шунга ўхшаган кичик нарсаларни ҳам топа олади. Фил хартуми билан катта дарахтларни ҳам суғуриши мумкин.

Фил ўт-ўланлар, дарахларнинг барглари, шохлар, ҳашаротлар ва шу каби нарсалар билан озуқаланади. Унинг яхши кўриб ейдиган нарсаси мевалардир. У гоҳида гурунч ва жўхори экинзорларига боради ва экинларни еб, оёғи билан пайҳон қилиб ташлайди.

Филлар қуруғликда кўй подаси каби жамоа бўлиб юради. Душмандан ҳимоя қилиш учун саф олдида ва орқасида катта филлар, қолганлари эса ўртада боришади. Кичик ёшли юра олмайдиганларини оналари хартумлари билан кўтариб олади. Фил таълим-тарбияни қабул қилгувчидир. У ҳайвонлар орасида фаҳм ва зукко деб сифатланади. У хўжайинига бесабаб озор бермаслик шарти ила садоқат билан бўйсуниб хизмат қилади ва эгасининг ишораларига ҳатто гапларига ҳам тушунади.

Ҳиндистон аҳли филдан арава тортишда, кўприклар қуришда ва оғир юкларни кўтаришда фойдаланади. Фил ҳаммасини аниқлик билан бажаради. Юкни талофат етказишдан ёки синишидан кўрқиб эътибор билан ерга қўяди ва ҳаракатлантириб кўради. Агар силкинганини кўрса тош олиб келиб унга тирайди.

## 18-дарс

### Али ибн Абу Толиб ва ўғри

Али ибн Абу Толиб розияллоху анху масжидга кираётиб, эшик олдида турган бир кишига: “Ҳачиримни ушлаб тур”, деди-да масжидга кириб кетди. Киши ҳачирнинг юганини олиб, ҳачирни ташлаб кетворди. Али розияллоху анху кўлидаги икки дирҳамни ҳачирини ушлаб турган кишига мукофот қилиб

бермоқчи бўлиб масжиддан чиққанди хачир ташқарида югансиз турибди. Хачирига миниб уйига борди ва хизматкорига юган сотиб олиши учун икки дирҳамни берди. Хизматкор бозорда ўша юганни кўрди ва ўғирлаган киши хизматкорга юганни икки дирҳамга сотди. Али розияллоху анху бу ҳолни гувоҳи бўлиб: “Албатта банда сабрсизлиги сабабли, тақдирида белгиланган ризқига зиёда қила олмайди лекин ҳалол ризқини ҳаром қилади”, деди.

## 19-дарс

### Бўри ва Тулкилар

Бир куни бир тўда тулки ейишга нарса топиш умидида овга чиқдилар. Улар айланиб юрганларида ўлик туянинг жасадини топиб олдилар. Шунда улар ўзларича: “Биз кўп вақт яшашимиз учун етадиган озуқа топдик, лекин бир-биримизга зулм қилмаслигимиз ва насибамизни бўлиб бериши учун орамиздан бир ҳакам сайлаб олайлик ўшанда кучлилар ожизлар устидан ҳукмронлик қилиши бўлмайди”, дейишди. Улар шу тариқа маслаҳатлашиб туришганда улар томон бўри келди. Тулкилардан бири; “Агар фикрларинг тўғри бўлса мана бу бўрини ҳакам қилинглар, чунки у инсонлардан ҳам кучли, уларнинг оталари ҳам қадим замонлардан бизга ҳукмрон бўлиб келган ва биз ўртамызда адолат қилишини Аллоҳдан умид қиламиз”, деди. Сўнгра тулкилар бўрига юзланиб ўзларининг фикрларини хабар қилиб: “Ҳар биримизга кундалик озуқамизни бериб туришинг учун биз сени ўзимизга ҳоким қилдик”, дейишди. Бўри уларнинг гапини қабул қилди ва уларга бир кунга етадиган озуқасини бериб турди. Эртаси кун бўлганда бўри ўзига ўзи деди: “Бу туяни мана бу ожизлар ўртасида тақсимлаб беришимдан менга нима фойда бор? Фақатгина менга ажратилган қисми тегади холос. Агар уни ёлғиз ўзим есам улар менга зарар бериша олмайди шундоғам ўзи улар менинг ва оиламнинг подаси бўлса буни (туяни) ўзимга олишимдан ким мени қайтара олади”, деди. Тонг отгач тулкилар одатдагидек унинг олдига озуқаларини сўраб келдилар. “Эй Абу Сарҳон

(бўрининг лақаби) бизнинг кунлик емишимизни бер”, дедилар. “Менда сизларга берадиган ҳеч вақо қолмади”, деди бўри. Улар бўрининг хузуридан ёмон кайфиятда қайтдилар. Сўнг: “Аллоҳ бизни бу алдоқчи, хиёнаткор билан жазолади, энди нима қиламиз?” дейишди. Уларнинг баъзиси; “Балки бўрини шундай қилишига уни очлик мажбур қилгандир. Уни бир кун ўз ҳолига қўяйлик тўйгунча есин эртага келамиз”, дедилар. Эрта тонгда ҳаммаси унинг олдига келиб: “Эй Абу Сархон, ҳар–биримизга емак бериб туришинг ҳамда кучли ва заифлар ўртасида инсоф қилишинг учун биз сени ишимизга волий қилиб тайинлаганмиз. Агар озуқа тугаган бўлса бошқасини олиб келишга ҳаракат қилайлик ва доим сенинг қўл остингда, ҳимоянда бўлайлик, биз оч қолдик бизга озуқа бер”, дедилар. Бўри уларга жавоб қайтармади, балки золимлиги янада ошди. Улар иккинчи маротаба ҳам бефойда ортга қайтдилар. Баъзиси баъзисига қараб; “Шернинг олдига бориб ўзимизни унинг олдига ташлаб, унга туяни ваъда қилишдан ўзга чорамиз йўқ. Агар у бизга яхшилик қилиб туяни бизга қайтарса бу унинг фазлидир. Агар ундай қилмаса туяга мана бу ифлос бўридан у ҳақлироқ”, деди. Сўнг шернинг олдига бориб унга бўри ва ўзлари орасида бўлган воқеани айтиб бердилар ва унга: “Биз сенинг қулларингиз, сенинг олдингга мана бу золимдан халос этишинг учун паноҳ сўраб келдик”, дейишди. Шер тулкиларнинг гапини тинглаб, ҳамияти қўзғаб, Аллоҳ учун ғайрат қилиб, улар билан бирга бўрининг олдига келди. Бўри шернинг келаётганини кўрган пайт қочишга тушди. Шер ортидан қувлаб тутиб олди ва уни бурда-бурда қилиб майдалаб ташлади. Тулкиларга емагини ейишларига имкон берди.

Ким ҳукмида адолат қилмас экан оқибати ёмон бўлур.

## 20-дарс

### Латифалар

1-Бир ўғри камбағал кишининг уйига кириб, уйни титкилаб ҳеч нарса топа олмабди. Энди чиқмоқчи бўлиб турганиди, уй эгаси: “Агар чиқсанг эшикни ёпиб кет”, деб қолибди. Ўғри: “Уйингдан кўп нарса олганим учун менга хизмат буюряпсанми?” дебди.

2-Бир текинхўр овқат еб ўтирган кишиларнинг олдига келиб, нима еябсизлар? деб сўрабди. “Захар”, деб жавоб берибдилар. Текинхўр: “Сизлардан кейин мен учун ҳаёт ҳаром”, дебди-да овқатга кўлини урибди.

3-Бир неча ўғри бир кишининг уйига кириб, уйни қидира бошлабдилар. Уй эгаси ўғриларни уйда айланиб юрганини кўриб: “Эй йигитлар! Биз кундузи қидириб топа олмаган нарсани сизлар кечаси қидиряпсизларми?!” дебди. Улар кула-кула чиқиб кетибдилар.

4-Бир текинхўр овқат еяётган кишиларни олдидан ўтаётганиди, улар текинхўр кирмасин деб эшикни қулуфлаб олибдилар. Текинхўр девордан ошиб кириб: “Мени ердан маън қилдинглар, сизларга осмондан келдим”, дебди.

5-Жоҳиз (IX-асрда яшаб ўтган шоир) мени ҳеч ким ҳижолат қилмаганиди фақат бир аёл мени заргарнинг олдига етаклаб келиб, унга мени кўрсатиб бунга ўхшатиб қил деди. Ҳайрон бўлиб қолдим, сўнг заргардан нима бўлаётганини сўрадим. Заргар: “Бу аёл мендан шайтонни суратини чизиб беришимни хоҳлаганди, мен уни қандай суратда чизишни билмайман, дегандим. Менга сени олиб келибди шайтонни суратини чизишим учун”, деди.

6-Бир киши Амир ибн Убайднинг эшигини тақиллатди. Амир ибн Убайд:

-Ким у? деди. Келган киши:

-Мен, деди. Амир ибн Убайд:

-Биродарларим орасида мен исмли кишини танитайман-деди.

7-Бир наҳвшунос олими кемага чиқиб, кемачига наҳвни биласанми? дебди. Кемачи: Йўқ, дебди. Умрингни ярми зое кетибди, дебди. Бир оздан сўнг шамол туриб кема қалқий бошлабди. Кемачи наҳв олимига сузишни биласанми? дебди. У: "Йўқ", дебди. Умрингни ҳаммаси зое кетдибди, деб айтибди.

## 21-дарс

### Ҳикматли қасида

Кимки Аллоҳни таниса кеткизади тухматни  
Айтар ҳар бир гапида бир ҳикматни

Ким аламли бахтсиз кишига қилса ёрдам  
Ёрдам қилар унга Аллоҳ кўрққан вақтида ҳар дам

Чунки бетоб ва болаларга раҳм қилиш  
Улуғлар табиатида топилган улуғ иш

Албатта киши кишидир биродарлар билан  
Қўл қўлдир бармоқ-билақлар билан.

Садоқатнинг вазифаси бир бирига ёрдам бериш  
Дўстликнинг тақозоси кўмаклашиш, у бўлсин ҳар қандай иш

Ноумид бўлмагин кенгликдан  
Ожизликдан кейин келадиган қувват ва лутфдан

Машаққат ва ҳирс билан етмаган нарсангга  
Секинлик ва мулойимлик билан етарсан

Яхшилик йўқ жисмларнинг катталигида  
Балки у фаҳмлар ва ақлларда

Ҳақир санамагин паст кичик нарсани

Кўпинча оқизар игна қонни

Қанча чиройлилар бор уларнинг зоҳири хунукдир

Ва қанча хунуклар бор уларнинг кўриниши гўзалдир

Кишилар ичидаги комилу оқил

Гапнинг беазагига бўлмайдими мойил

Аҳдга хиёнат жуда хунукдир

Халқнинг ёмони аҳдига бевафо кишидир.

## 22-дарс

### Айиқ

Айиқ ваҳший ҳайвонлардан бўлиб, у Европа, Осиё ва Америкада кўп учрайди. У совуқ жойларда яшашни яхши кўради. Шунинг учун улар шимолий мамлакатларда кўп бўлади. Европанинг мўътадил ўлкарида топиладиган айиқлар ўрмонларда ва қор билан қопланган тоғларда яшайди. Унинг 5 хил тури бўлиб; қора, оқ, қизил, тим қора ва кулранг. Айиқларнинг бу турлари яшаш шароитлари турлича бўлсада табиатан ва шаклан бир-бирига ўхшайди. У ўсимликлар, дон-дун ва мевалар билан озуқаланади. У гўшт емайди, лекин қаттиқ оч қолгандагина ейди. У очлигида ов қилувчи ҳайвонга айланиб, инсонлар, тулки, бўри ва бошқа ҳайвонларга ҳужум қилади. У асални жуда яхши кўради, ўрмондаги асалариларни уяларига бориб, оёғи билан уни тепади, асал қўйилиб оқади сўнг уни ейди. У асалариларнинг чақишига эътибор бермайди, чунки унинг қалин юнги унга таъсир қилишдан маън қилади. Агар асаларининг инига тумшуғини тикишнинг иложи бўлмаса, олд оёғини инга киргизади ва чиқариб, қўлига ёпишган асални ялайди. Унинг ёмонлигидан халос бўлиш учун одамларнинг бир хийласи бор. У хийла асалари уясини дарахт шохига боғлайдилар ва унинг тагига катта ўтинни осиб қўядилар. Айиқ

асал ейиш учун дарахтга тирмашганда ўтин унинг бошига урилиб уни асалари уясига етишдан қайтаради.

Айиқ қишнинг кўп қисмини уясида ўтказди. Ёз фаслида эса тўплаган ўсимликлар билан озуқаланади. Агар озуқаси тугаса баданидаги ёғнинг оздан эриши ҳисобига қувватланади. Шунинг учун баҳорда инидан чиққан айиқ озғин бўлади. Ўртача айиқнинг узунлиги 5 кадамдир. Унинг кичик икки кўзи ва қисқагина думи бор. Унинг назари ўткир ва ҳид сезиш аъзоси жуда кучли. У жуда ҳаракатчан ва жасади йўғон бўлишига карамай дарахтларга осонлик билан осила олади. У сузишга ҳам қодир. Икки оёқда бироз муддат тик тура олади, у ақлли ва зийрак бўлиб, уни ёшлигидан овлаб келинган бўлса хонакилаштириш ва унга таълим бериш жуда осон. Уни терисидан пўстин тикиш ва ёғидан асабий касалликларни муолажа қилиш учун овланади. Баъзи инсонлар унинг гўштини истеъмол қилади. Овчилар ажойиб йўл билан уларни тириклай овлашади. Уларни йўлига чуқур қазиб устига шох ташлаб қўйишади, сўнг шохларни устига қор ёғиб беркилади. Айиқ унинг устидан ўтаётган пайтда унинг ичига йиқилади ва бўйнига занжир солиб тутадилар. Оқ айиқ совуқ қаттиқ бўладиган ҳатто ёзда суви музлайдиган шимолий музликларда яшайди. У денгиз қирғоғида яшашни ёқтиради ва денгиз балиғи ва фукма (туленлар) номли ҳайвонлар билан озиқланади. У қаттиқ совуққа ҳам этибор бермайди, чунки қалин юнги совуқ унга етишидан тўсади. У сузишда жуда моҳир. Бир муз парчасидан иккинчи муз парчасигача ов талабида суза олади. Агар чарчаса куруқликка етгунча муз парчасига миниб олади. Кўпинча қирғоққа етишидан олдин муз эриб кетади ва унинг терисини қўлга киритиш учун қидириб юрган овчиларга тайёр ўлжа бўлади. Агар оқ айиқ қаттиқ оч қолса унинг хулқи ёмонлашади. Кимни учратса устига ташланиб майдалаб ташлайди. Бу дарсликда қўйилган суратда ўзларини эшкаклари билан ҳимоя қилаётган қайиқдаги одамларни ов қилишга уринаётган учта айиқни кўрасиз.

## Оламнинг яратувчиси бор

Ҳикоя қилинишича, бир даҳрий (динсиз) Ҳорун Ар-Рашид олдига келиб: "Эй мўминлар амири! Абу Ҳанифа ва унга ўхшаш асрингиз уламолари оламнинг яратувчиси бор, деб иттифоқ қилишибди. Бу олимлардан энг афзали шу ерга келишини буюринг, мен у билан олдингизда баҳс қилиб, уни оламнинг яратувчиси йўқлигига қаноатлантираман, деди. Ҳорун Ар-Рашид Абу Ҳанифага элчи жўнатди ва: "Эй мусулмонлар имоми, бизнинг олдимизга бир даҳрий келиб: "Оламнинг яратувчиси йўқ", деб, сизни мунозарага чорлапти", деди. Абу Ҳанифа пешиндан кейин бораман, деди. Халифанинг элчиси келиб, Абу Ҳанифа айтган гапни айтди. Элчини иккинчи марта жўнатгач Абу Ҳанифа ўрнидан туриб Ҳорун Ар-Рашиднинг олдига келди. Ҳорун Ар-Рашид унинг истиқболига чиқди. Уни келтириб, жойининг тўрига ўтказди. Ҳамма аъёнлар ва улуғлар йиғилди. Даҳрий:

- Эй Абу Ҳанифа нега кечикдинг? деди. Абу Ҳанифа:

- Мен билан ғаройиб иш содир бўлди шунинг учун кечикдим. Менинг уйим Дажла дарёсининг орқасида. Уйимдан чиқиб Дажладан ўтиш учун олдига келдим. Тахталари бўлак-бўлак, эски, кесик кемани топдим. Кўзим унга тушган заҳоти тахталар қалқиб, ҳаракатланиб, баъзиси баъзисига уланиб жам бўлди ва ҳеч бир бир дурадгор ёки ишловчи бўлмаса ҳам бус-бутун кемага айланди. Мен унга ўтириб сувдан ўтиб келдим, деди. Даҳрий:

- Эй аъёнлар қулоқ солинглар, замонингизнинг энг афзали ва сизларнинг имомингиз нима деб айтаётганига қаранглар. Қандай қилиб дурадгорнинг амалисиз синиқ кема бирикади? Бу уламоларингизнинг энг афзалидан чиқаётган ҳақиқий ёлғон эмасми? деди. Шунда Абу Ҳанифа:

- Эй кофир, ҳеч бир ясовчи ва дурадгорсиз кема жамланмас экан қандай қилиб бу олам Яратувчисиз ҳосил бўлсин? Қандай қилиб яратувчини инкор қиласан? деди. Шунда Ҳорун Ар-Рашид даҳрийнинг бўйнига қилич уришга буюрган эди, унинг амри бажо келтирилди.



## 24-дарс

### Ит

Ит инсон учун жуда фойдали ҳайвон ва дўстдир. Соҳибига бўлган муҳаббати ва ихлоси билан бошқа ҳайвонлардан ажралиб туради. Яхшилиқни, гўзалликни эслайди ва азиятларга чиройли сабр қилади. У ишончли хизматкор ва содиқ дўст, ҳамда соҳибининг яхши ҳамроҳидир. У ақлли, зийрак бўлиб ишора ва гапларни тушунади. У таълимни бошқа ҳайвонлардан кўпроқ қабул қилади. Унинг инсон учун фойдалари кўп. Уй қўриқлайди, чорваларни боқади ва овда хизмат қилади. Сибирда итларнинг чана тортишда фойдаланиладиган турлари бор. Қорлар кўп бўлиб тўпланиб қолгани учун бу ишни отлар бажара олмайди. Уларнинг бир синфи йўлдан адашганларни топишда хизмат қилдирилади. Швецариянинг "Ал-Қиддис барнор" тоғида саёҳатчилар қоронғу кечаларда, қор ва туман кўп бўлганлиги учун ҳар томондан чиқиб адашиб қоладилар. Адашганларни топиш учун итларнинг шу туридан фойдаланилади. Улар итнинг бўйнига бир халтача осиб, унга саёҳатчиларга керак бўладиган таом, ичимлик суви ва баъзи зарурий дориларни солиб адашганларни қидириш учун итни кўйиб юборадилар. Ит уларни топганда йўқолган одамнинг жойини билдириш учун вовиллай бошлайди. Саёҳатчи халтадаги нарсаларни олиб, уни қидириб топиб, манзилига етказгунларича у билан жонини сақлайди.

Лондонда чўкаётган одамни қутқаришга тайёрланган итларнинг синфи бор. Ҳозир сизларга бир воқеани айтаман. Сиз ундан ит соҳибини қанча яхши куришини, ихлосини ва унинг ҳузурида соҳибининг мавқеи қандай даражада эканини билиб оласиз.

Бир кишининг ити бор эди, уни тарбия қилиб унга ғамхўрлик қиларди. Ит ҳам уни яхши кўрар ундан ажралмас эди. Бир куни киши ити билан саҳрога чиқди. У бир ҳовлининг олдидан ўтди. Ҳовли эгаси билан кишининг ўртасида адоват бор эди. Ҳовли эгаси уни кўриб бир жамоа қўшнилари билан кишини ушлаб олдилар ва ўлдириб, жасадини кўмиб қўйдилар. Ит, соҳибини тоқати

борича ҳимоя қилди ҳатто қаттиқ жароҳат ҳам олди. Ҳимоя қилишга кучи қолмагач соҳибининг уйига ириллаб, вовуллаб қайтиб кетди. Ит соҳибининг қари онаси бор эди. У итни ёлғиз қайтганини кўриб безовта бўлди ва ўғлини ўлдирилганини ва итнинг жароҳати боласини ўлдирган қотилдан, деб гумон қилди. Иккинчи кун ўтди. Ўғли қайтиб келмагач гумонининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Ит шаҳарнинг катта ва тор кўчаларида айланиб соҳибининг қотилини қидириб юрарди. Бир куни соҳибининг қотилини учратди уни таниб унга ҳужум қилди ва ундан ажрамай, тирмашиб олди. Одамлар буни кўриб уни қутқаришга қаттиқ киришдилар аммо бунга имкон топа олмадилар. Аскарлар келгач итни у кишига ғазабини кўриб, буни бир ҳикояси бор, балки у киши итни жароҳатлаган бўлса керак дедилар. Мақтул (ўлдирилган)нинг онаси тўс-тўпалонни эшитиб, у ерга қараб келди, қараса ит бир кишига ёпишиб олган. Ўша кишига назар солган пайт у ўғлининг хусуматчиларидан бири эканини таниди. Ҳаёлида шу ўлдирган бўлса керак деб ўйлаб, ўғлимни шу кишидан бошқа ўлдирмаган деб, қичқирди. Сўнг ундан даъво қилиб, ишини қозига қўтарди. Киши қозининг олдида айбни инкор қилди, қози уни қамаб бир неча кун қамоқда сақлади. Ит қамоқнинг эшиги олдидан кетмай турди. Унга қарши қотилликка доир очиқ ойдин ҳужжат бўлмагач, уни қўйиб юборди. Чикқан вақтида ит кишига яна тирмашди, қози уни кўриб назарида қотил шу киши эканини пайқади. Одамлар итни кишидан ажратиб олдилар. Киши уйига хотиржам кетди, ит ҳам унинг ортидан қувлаб кетди. Қози ўрнидан туриб, сездирмай уларнинг ортидан эргашди. Киши уйига кирди, орқасидан ит кирди сўнг қози кирди ва ҳовлини ўраб олишди. Ит ўлик кўмилган жойга борди ва панжалари билан у ерни тирнай бошлади. Қози шу жойни очишга буюрди. Ўлдирилган киши ўша ердан топилди. Айбдорни, ўзи ва шерикларининг зарарига иқроп бўлгунча қаттиқ сўроқ қилишди, сўнг уни қатл қилишга ва қолганларини қидиришга ҳукум қилинди.

## 25-дарс

## Икки овчи ва балиқлар

Ҳикоя қилинишича, бир кўл бўлиб, унда учта балиқ яшарди. Бири зийрак, иккинчиси зийракроқ ва учинчиси ожиз эди. У кўл баландда жойлашганидан унга ҳеч ким яқин келмаганди. Унинг ёнидан оқиб ўтадиган анҳор ҳам бор эди. Иттифоқо, шу дарё ёнидан икки овчи ўтаётиб кўлни кўриб қолдилар ва қармоқларини олиб келиб, ундаги балиқларни овлашга ваъдалашдилар. Балиқлар уларнинг сўзини эшитди. Уларнинг энг зийраги овчиларнинг гапини эшитган захотиёқ улардан шубҳаланиб, кўрқиб, ҳеч нарсага қарамасдан шу кўлга анҳордан кираётган сув орқали чиқиб кетди ва нажот топди. Бошқа зийраги эса, ўз ўрнида қолиб, овчилар келгунга қадар ишига бепарво бўлди. Овчиларни кўргач, улар нима мақсадда келаётганларини билди ва сув кираётган жойдан чиқиш учун борса, овчилар сув кираётган тешикни беркитиб улгурганларини кўрди. У: "Сусткашлик қилдим, бу сусткашлигим оқибати. Бу ҳолда қандай ҳийла қилиш мумкин? Шошқолоқнинг ҳийласи камдан-кам фойда беради. Лекин оқил, фойдали фикрлардан умидсиз бўлмайди, ҳеч бир ҳолда ҳам ноумидликка тушмайди, тиришқоқликни ва фикрлашни ташламайди", деди-да, ўзини ўликка солди ва сув юзасига гоҳ орқаси, гоҳ қорни билан айланиб чиқиб қолди. Овчилар уни ўлик деб ўйлаб анҳор билан кўлнинг ўртасидаги ерга ташлади. Балиқ бир сакраб анҳорга тушди ва кутилиб қолди. Ожиз балиқ эса у ёқдан бу ёққа бориб келавериб охири кўлга тушди.

### 26-дарс

### Кийимлар

Кийимлардан кўзланган мақсад танани беркитиш, иссиқ-совуқ ва бошқа ҳаводаги таъсир ўтказувчиларни тасиридан сақлашдир. Кийимдан мақсад шу экан сизга уни тоза тутиш ва тупроқ, лой, кирлардан сақлаш лозим бўлади. Бунинг учун кийим ҳаддан ташқари гўзал, чиройли ва нархи қиммат бўлиши

лозим эмас. Чунки инсоннинг гўзаллиги унинг илми одоби, маърифати, хусни-хулқи ва камоли тарбиясидадир, кийимининг чиройлилигида эмас. Шоир айтганидек:

***“Киши обрўсин пасткашлик билан ифлос қилмаса гар,  
У кийган ҳар қандай ридо гўзал кўринар”.***

Кийимлар ўртача кенгликда, аъзоларни қисмайдиган ва қон юришига халал бермайдиган ва фаслларга, иқлимга, ёшга, соғлиқ ва касалликка муносиб бўлиши лозим.

Галустукни қаттиқ боғлашдан, кўйлакнинг ёқасини қаттиқ бўлишидан, кўкрак ва оёқ кийимларнинг тор бўлишидан сақлан, чунки бундан кўп зарар, оғир касаллик ва доимий қийинчиликлар пайдо бўлади.

Кийимлар узун бўлмасин тез йиртилади, калта ҳам бўлмасин кўриниши хунук бўлади. Одамларнинг одатига мувофиқ бўлсин. Кийимлардан шуҳрат қозониш, кўзлар унга доимо қараши учун фойдаланилмайди. Агар ухламоқчи бўлсанг кийимларингни ҳар ёқда сочилиб ётмаслиги учун муайян бир жойга осиб қўй. Агар ундай бўламаса эрталаб кийинмоқчи бўлаганингда кийимингни қидириб у ёқдан буёққа ўтиб, бир кишидан ковушининг бир пойини, иккинчисидан иккинчи пойини сўрайсан. Натижада юрагинг сиқилиб фикринг тарқоқ ҳолда қоласан.

## **27-дарс**

### **Маймун**

Маймун яратилишида ва кўп ишларида инсонга ўхшайдиган ҳайвонлардандир. Унинг кафти ва товонидан бошқа ҳамма жойи узун юнглари билан қопланган, кафти ва товони инсонники каби юнгларидан ҳолидир. Унинг юзи жуда бадбашара, кулгули. У одатда тўрт оёқда юради, кам ҳолларда икки оёқлаб ҳам юради. Маймун ўрмон, ғор ва кўрқинчли жойларда яшайди. У жанубий Осиёнинг оролларида ва жанубий Америкада кўп учратилади. Улар

Африкада ҳам жуда кўп. У ер маймунлар учун макон бўлиб, улар у ерда жамоа бўлиб яшайди. У мевалар, ўсимликлар ва уларнинг илдизлари билан озукаланади. Унинг яхши кўриб ейдиган овқати ширинликлар. У шакарқамиш ва хурмоларни сўриб жуда лаззатланади. Агар буларни топа олмаса, курт-кумурсқа каби ҳашаротларни ейиш билан кифояланади.

Уларнинг денгиз соҳилида яшайдиганлари денгиз малюскаларини овлаб кун кечиради. Маймунлар йиртқичлардан кўркмайди, эътибор ҳам қилмайди, ҳатто шердан ҳам. Чунки у ўзининг енгиллиги ва ҳаракатчанлиги билан уларнинг ёмонлигидан омонда бўлади. Лекин у илондан қаттиқ кўрқади, илон маймун дарахтнинг тепасида ғафлатда қолганида келади ва уни ўраб олиб, қисиб, майдалаб ташлайди.

Маймунларнинг бир қанча тури бор, уларнинг бир тури “шимпанзе” деб аталади. У Африканинг ўрталаридаги ғорларда тўда тўда бўлиб яшайди. Қачон уларга инсон ёки ҳайвон ҳужум қилса улар ҳам дарахт шохлари билан ҳужум қилади ва тошларни кучли ва ғаройиб қувват билан улоқтиради. У ўзи учун чодирни дарахт шохлари ва баргларида фаҳми ва идрокига далолат қиладиган кўринишда қуради. У катта куч эгасидир. У фаҳмлашда ва аъзоларининг мутаносиблигида инсонга жуда ўхшайди. Тақлид қилишга лаёқати жуда кучли. Маймуннинг олдида нима қилиқ қилсангиз ҳам шуни такрорлай олади.

Яна бир тури Орангутандир. Бу маймун Шимпанзедан кўллари узунлиги билан ажралиб туради. Ҳатто тик турган ҳолда кўллари ерга етади. Унинг эркагининг узун соқоли бор, аёлининг соқоли йўқ. Улар ўрмонда дарахтларнинг устида яшайдилар, мева, уруғ ва ҳашаротлар билан озиқланадилар, баъзан қушларни ҳам ейдилар. Отилиб, сакраб юришга ажойиб маҳоратлари бор. Улар Малакқа, Суматра, Бурнию ва бошқа оролларнинг ўрмонларида кўп учрайди.

Яна бир тури Горилладир. Гориллалар кўп ишлари ва қилиқларида Шимпанзегга ўхшайди. Унинг жисми инсонникидан каттароқ. Улар Африка ва Япония ўрмонларида яшайди. Унинг кўлининг қуввати ғайриоддийдир. У

қўллари билан темирни худди сополни синдиргандек синдиради. Милтиқни, ингичка, нозик симни буккандек букади.

Яна бир тури Аннаснас. Унинг думи узун, орқа оёқлари олиднгисидан узунроқ. Унинг ватани Мадагаскар. Унинг мўйнаси ялтироқ ва чиройли. Уни тулки маймун ёки ёлғончи маймун, деб ҳам атайдилар. Маймунларнинг барча турлари таълим тарбияни яхши қабул қилади ва одам бажарадиган ишларнинг кўпини бажара олади. Улардан қўлга ўргатилганлари кўпинча инсонлар билан бирга яшайди.

Одамлар маймунларга овқатни қошиқ ва вилкада ейишни ўргатганлар. Лекин улардан яхши фойдалана олмаганлар. Агар уларга бу иш мушкул бўлса, ёнидаги кишига қошиғини тўлдириб яна ўзига қайтариши учун узтаганлари ривоят қилинган.

Маймун тақлид қилишда мисол қилинади, баъзан тақлидни яхши қила олмаганидан ўзига азият бериб қўяди.

Бунга мисол; Бир маймун ўзининг қора танли соҳибига ёзишда тақлид қиларди. Ҳабаш қачон бирор нима ёзиб баъзи ҳожати учун кетганида, маймун келарди ва ёзмоқчи бўлиб, эгри-бугри чизиклар чизиб ташлар эди. Бир куни Ҳабаш ундан ўч олиш учун устарани олди ва унинг ўтмас томони билан бўйнига бир неча марта юргизди, сўнг устарани очик ҳолда қолдириб, одатдагидек юмуши учун кетди. Қайтиб келганда эса маймунни ўлик ҳолда топди.

## 28-дарс

### Умар ибн Абдулазиз ва бир бола

Умар ибн Абдулазиз волийлигининг аввалги кунларида унинг ҳузурига турли тарафлардан табрикловчи элчилар келишди.

Ҳижозлик элчилардан ёши ҳали ўн бирга ҳам тўлмаган бир ёш бола сўзга чиққанди, Умар:

- “Сен ортингга қайт, сендан ёши улуғроқ киши чиксин”, деди. Бола айтдики:

- “Эй мўминларнинг амирини Аллоҳ таоло қўлласин, киши икки кичкина нарсаси: қалби ва тили биландир. Агар Аллоҳ таоло бандасига гапирувчи тил ва сақловчи қалб берса ҳақиқатда гапиришликка ҳақлидир. Эй мўминлар амири, иш ёшга қараб бўлганида эди, албатта бу умматнинг ичида сизнинг мана бу ўтирган жойингизга сизданда ҳақлироқ кишилар бор эди”, деди. Умар унинг гапидан ажабланди ва қуйидаги шеърни айтди.

*Илм ўрган, олим бўлиб тугилмас киши*

*Баробар эмас жоҳил ва илм эгаси.*

*Йигинлар ичида кичикдур,*

*Илмсиз бўлса гар қавм каттаси.*

## 29-дарс

### Туя

Эй назари, фикри қисқа,  
Ялтироқ нарсага алданган кимса.  
Ёмон кўрдинг мендан Қодирнинг ишини,  
Ташқи шаклимни маломат қилдинг мани.  
Нима нарса инсонни ҳаддидан оширди.

Киши кийим ва гўзаллик билан кишимас  
Кишилар орасида шаклининг чиройлилиги,  
Гапирганидаги овозининг юмшоқлиги,  
Ажабланиб, гердайиб юриши билан ҳам эмас  
Булар унинг асосий мақсади эмасдир.

Сабр, тўғрилик ва чиройли феъл

Булар ақлли кишининг сифатидандир.  
Агар бирор кун шунга эга бўлсанг, сен улуғдирсан.  
Эга бўла олмасанг сафсатадан қутула олмассан  
Қиличнинг қиймати ўткирлиг-у кесгирлигидадир.

Агар айибласа мени ўрқачимдаги ўрам,  
Бурнимдаги жиловнинг тизгини  
Мен махлуқотларнинг ажойибиман,  
На юзу на қоматим гўзал.  
Асалари ҳам гоҳида мумиёсидан сўралар.

Менда ўлим етмайдиган мақсад бор,  
Касалликдан шикоят қилмайдиган қувват бор,  
Пасткаш бўлмаган чин ихлос бор.  
Модомики зоҳир бўлса менга соф дўстлиги,  
Бўйсунаман гарчи бола бўлсам ҳам чиройли.

Сахройини кўп оғир юкларни кўтараман,  
Ҳатто инсонлар мени тоғ деб ўйлайдилар.  
Лекин мен буни тагидаман,  
Керагидан ортиқ юк юклайдилар.  
Нима ожиз қилди тиллар уни мақташдан.

Қарагин қандай юмалоқ туёқларим,  
Босади тўзитмайди чангни мулойим.  
Агар оёқларим эшакникига ўхшаш бўлса гар,  
Чўл қумларида юриш машаққат бўлар эди,  
Лаҳаддаги маййит каби чиқиб кетар эдим.

Қарагин қандай узун бўйним



Зул Жалол ёриб кўйган лабларим.  
Қувватим билан эришилмаган нарсага етаман,  
Тикан ейман гар тигга ўхшаса ҳам.  
Узоқдаги нарсани ҳам олишга қодирман.

Сафар ва узоқ масофа учун яратилганман.  
Бандаларнинг ичида менинг одатим,  
Қоринни сув ва зод билан тўлдирмоқлигим  
Доно йигитнинг бойлигидаги иши каби  
Ундан тежамкорлик билан озиқланмоқлигим.

## 30-дарс

### Ўргимчак

Ўргимчак ҳашаротлар турига киради. Унинг саккизта оёғи ва олтитадан саккизтагача кўзи бор. Унинг боши танасига шу даражада бирлашиб кетганки, унга қараган одам битта деб ўйлайди. У пашша, чивин, бит каби ҳашаротларни овлаб озуқаланади. У уясини жуда ажойиб тўқийди. Тўқиш бўйича ҳеч ким у билан мусобақалаша олмайди. Ўрдак тухумдан чиққан пайтдаёқ сузишга қодир бўлгани каби, улар туғилганданоқ тўқишга қодир бўлади. Бу Яратган Эгамнинг у учун берган алоҳида хос хусусиятидир. Шунингдек, Аллоҳ бошқа ҳайвонларга ҳам алоҳида ажралиб турадиган хусусиятлар берганки, у хусусият бошқасида топилмайди. Ўргимчак уяси ғоятда нозик ва интизом билан қурилиши маълум ва машҳур. Лекин у тез бузилади. Чунки, уясининг мингта толаси одамнинг бир дона сочига ҳам тенглаша олмайди. Сиз, бу уяни бефойда ясалган эканда, деб асло ҳаёлингизга келтирманг. Ўргимчак ундан пашша, чивин каби ҳашаротларни овлашда тўр сифатида фойдаланади. Ҳашаротлар тўрга тушгач унинг қонини сўради. Бу тўр жуда нозик толалардан тўқилганидан бир қарашда кўзга кўринавермайди.

Уламолар бу тўқимани қандай ҳосил бўлишида баҳс юритиб; у ўргимчакнинг қорнидан чиқадиган шилимшиқ суяқ модда. Ўргимчак уни сиқиб, қорнидаги тешиқлардан нозик ип суратини ҳосил қилади. Чикқан ип ҳаво билан тўқнаш тезда қурийд, деганлар. Бу тўқима ўргимчак сўлагидан ҳосил бўладиган клей билан бир қават қилиб ўралади, тоинки унга тушган пашша ва бошқа ҳашаротлар ёпишиб қолиб, қутилиб кетолмаслиги учун. Ўргимчак шу тариқа инини қуриб битиргач ўзи унинг орқасига ўтиб ундан ўтмоқчи бўлган ҳашаротларни пойлаб ётади. Агар ундан пашша ёки чивин ўтса тўр кимирайди ва ўргимчак унга югуриб келиб, клейли ип билан уни ўраб ташлайди. Ўлжа ипга чалкашиб ҳаракатланишга ҳам қодир бўлмай қолади. Сўнг ўргимчак уни ўлдиради ва у билан озуқаланади ёки уни олиб баъзи кунлар учун уясига захира қилиб қўяди.

Ўргимчакларнинг нави кўп. Улардан бир тури иссиқ ўлкаларда яшайди. Уясини шунақа пишиқ тўрдан ясайдики, агар унга кичкина қуш тушса ҳам қутилиб кетолмайди.

Ўргимчакнинг яна бир тури, у ин тўқимайди, балки очиқ кенгликда юради. Агар унга яқин жойдан пашша учиб ўтса сакраб уни овлайди. Ўргимчакнинг бу турини ов қилиши қоплонга ўхшагани учун уни қоплон ҳам дейишади.

Ўргимчакнинг сув остида яшайдиган тури ҳам бор. У уясининг атрофидаги ҳавони ичига тортиб пуфакчалар ҳосил қилади.

Яна бир тури ердан кичкина жойлардан уя қуради. У ерни макон қилиб, бир нечта эшиқлар қуради. Уни ўзи хоҳлаган вақтда ёпиб қўяди.

## **31-дарс**

### **Аттор ва марварид**

Ўзи билан минг динорга тенг келадиган марвариди бор бир киши Бағдодга келиб, марваридини сотмоқчи бўлди, аммо сота олмади. Диёнат ва яхшилик

сифатлари билан мақталган, атторнинг олдига келиб, марваридни унга омонат қилиб қўйди-да, ўзи эса ҳаж қилиш учун жўнаб кетди. Ҳаж амалларини адо этиб Бағдодга қайтди ва атторнинг олдига совға саломлар билан келди ва у билан саломлашиб, унга ҳадяни тутқазди. Аттор:

- Сиз кимсиз биродар, деди. Киши:

- Мен сизга фалон вақтда омонат қилиб топшириб кетган марвариднинг эгасиман, деди. Аттор унинг гапини эшитиб, уни бир тепиб дўконидан чиқариб юборди. Дарров одамлар йиғилиб, нима бўлганини сўради. Ҳожи, одамларга аттор билан бўлган воқеани, унга топширган омонатни сўраганида қандай тепганини айтиб берди. Улар ҳожига, холингга вой бўлсин! Бу солих яхши киши, ёлғончига чиқаришга бошқа одам тополмадинг-ми? дейишди. Ҳожи ҳайрон, унга ялиниб, ёлбориб сўради. Аммо уриш ва сўкишдан бошқа нарса олмади. Ҳожи баъзи ақлли кишилар билан маслаҳатлашди. Улар унга; ишингни давлат бошлиғига кўтаргин, унинг фаҳму фаросатидан сен учун яхшилик чиқиб қолар, деб маслаҳат беришди. У воқеани ёзиб, давлат бошлиғига олиб борди. Давлат бошлиғи, нима бўлди? деб сўради. У: бўлган қиссани айтиб берди. Давлат бошлиғи, сен атторнинг дўконига бориб, марварид ҳақида унга ҳеч нима демай уч кун ўша ерда ўтир. Тўртинчи куни мен шу ердан ўтаман, сенинг олдинга тўхтаб салом бераман, сен эса саломга алик оласан-да, бошқа ҳеч нарса қилмайсан. Мен кетгач, унга марваридни яна эсига соласан. Кейин у нима деганини менга келиб айтасан, деди. Ҳожи шундай қилди. Тўртинчи куни давлат бошлиғи катта қўшин билан келди-да, тўхтаб, салом берди. Ҳожи саломга алик олди ва ҳеч нима қилмади. Эй биродар Ироқдан келибсан, бизнинг олдимизга бориб, ҳожатларингни арз қилмайсанми, деди подшоҳ. Ҳожи: "Бунга ҳали имкон бўлмади", деди ва бошқа гап гапирмади. Подшоҳнинг аскарларининг ҳаммаси унинг буйруғига шай ҳолда тўхтаб турарди. Аттор эсанкираб қолди ва ўлишига аниқ ишонди. Давлат бошлиғи кетгач, аттор ҳожининг олдига келиб: "Эй биродар, марваридни менга қачон омонат қўйгандинг? У нима билан ўралганди? Менга эслатгин, балки эсимга тушиб қолар", деди. Ҳожи: "Фалон ва фалон сифатда",

деди. У қидиришга тушди, сўнг бир халтани очиб, ичидан марваридни чиқарди ва ёдимдан кўтарилибди. Аллоҳ билгувчи роқ, агар эслатмаганингда эслай олмас эканман, деди. Ҳожи марваридни олиб давлат бошлиғининг олдига борди ва воқеани сўзлаб берди. Агторнинг бўйнидан осиб дўконининг эшигига осиб қўйилди ва: “Бу омонатга хиёнат қилганнинг жазоси”, деб жарчилар бақирди. Ҳожи марваридни олиб юртига кетди.

## 32-дарс

### Йўлбарс

Бу ҳайвоннинг узунлиги уч зироъ (газ) ва ундан зиёдароқдир. Баландлиги бир зироъ ва бир зироънинг учдан бири узунликда келади. Унинг бошининг айланаси шерникидан каттароқ. Танасининг ранги тепа қисми тўқ сариқ, паст қисми оппоқ бўлиб, чиройли йўл йўл чизиқли. У жуда кучли, қудратли, бақувватки, ҳеч бир кишининг қуввати унга тенг келмайди. Унинг хулқи ниҳоятда жаҳлдор, ғазабли ва албатта дўстлашмайди. У жуда кибрли ва ўзига бино қўйган бўлиб, кундузи ҳам бемалол кечаси юргандек айланиб юради. Танасининг енгиллиги ва чаққонлиги учун узоқ масофага сакрай олади. Ҳатто уни, отлик аскарлар орасидан от устидаги чавандозни чангаллаб юлиб олишини, отликлар қанча уринмасин ва ҳаракат қилмасин уни қувиб етолмаслигини айтишган. У Ҳинд диёрларида кўп учрайди. Хитой ва Осиёнинг жанубий ўлкаларида ҳам қисман топилади.

Ҳикоя қилинишича, иккита ёш болача анҳор соҳилида ўтирган эди. Ўрмондан йўлбарс чиқиб, уларнинг ёнига келиб, улар билан бирга ўйнади. У гоҳ улар билан бирга ўйнар, гоҳ ўрмонга яширинар эди. Йўлбарснинг панжаси беҳосдан болалардан бирига тегиб, жароҳатлади ва қон ҳам оқди. Шу пайт шериги яқинидаги дарахт шохини олиб, йўлбарсни кучли зарб билан урди. Йўлбарс уларга азият етказмай ўрмонга қайтиб кетди. Шу каби йўлбарснинг кучлилигига, мардлигига далолат қиладиган зарбул масаллар кўп.

Ишончли олимлардан бири хабар қилади. Отига миниб тоғда кетаётганди, ҳаво совуқ, ёмғир шаррос қуяётганди, киши совуқ ва ёмғирдан тўсадиган жун матоли тўнига ўраниб олганди. Йўл торайган жойга келиб ҳаво исиб, олим киши ўнг томонига қараса деворнинг устида йўлбарс турибди. Бир сакраса уни овлайдиган яқин жойда. Бу даҳшатли манзарадан кишининг тепа сочи тикка бўлди. Ундан қутилиш учун йўлбарснинг жасурлиги ҳақида кўп эшитган гапларини синаб кўришдан ўзга ҳийласи қолмаганди. Унга ҳурмат эҳтиром ва эътибор кўрсатиб салом берди. Йўлбарс унга қаради ва иккала кўзини пасайтириб, унга раҳм қилиб, раҳм-шафқат ва ифтихор билан киши ўтиб кетгунича жойидан қимирламай турди. Киши ўтиб, қутилганига уч мил узоқлашганидан кейингина ишонди. Бу баъзи зарар берувчи ҳайвонларнинг уларга зулм қилинмаса улар ҳам зулм қилмаслигига далолат қилади.

### 33-дарс

#### Кишилар назаридаги мол-у давлат

Ҳар бир шахс учун йўналиш бор,  
Ўз йўналишида ёқимли тотиш бор,  
Қанча ахлоқлар ўйнайди,  
Қанча зийраклар қийнайди,  
Одатларида доим бўлмайди.

Қанча инсонлар машаққат,  
Қийинчилик ва қайғуда,  
Кўряптилар тиллодан нақшни,  
Касб қилинадиган нарсалардан,  
Шунинг учун қийналаяптилар ва қийнаяптилар.

Агар хоҳласанг бой бўлмоқликни,  
Бир кунда бир қадам ҳаракатланмасдан,

Мол осмондан оқиб тушмас ҳеч ҳеч,  
Уни талаб қилмасдан,  
Ҳар бир нарса учун сабаб бор.

Албатта бойлик чиройлидир,  
Уни пасткаш, разил,  
Аслзода паҳлавон,  
Улуғ подшоҳ,  
Зоти улуғ олийжаноб ҳам яхши кўрадир.

Албатта молнинг орқасида,  
Кишиларнинг мақсадлари бордир,  
Амаллардан қанчаси,  
Бунга мисолдир,  
Ва яни мол билан мартабаларга етиш бордир.

Агар молга эга бўлса очкўз, озор берувчи,  
Ёки фасодга ишлатувчи,  
Ёки унга тўғри йўлга сарфлайдиган,  
Билимдон дучор бўлмаса,  
Бу молда яхшилик йўқдир.

Инфоқ қил молингдан ҳаммасини,  
Ўзиш йўлида ўз ҳолингни,  
Хоҳламадим шу билан,  
Орзуларингдан ёмонини,  
Ёмон орзулар талаб қилинмайди.

Инфоқ қилгин молингдан силаи раҳмга,  
Ва манфаатли илмга,

Ибратдир сенга улуғлик ва буюклик соҳиби умматлар,  
Молларини тўғри йўлга сарфлаб,  
Душманга бўлган ғолиблар.

Бино қилгин илм билан асл улуғликни,  
Ва сотиб олгин у билан чиройли зикрни,  
Қилгин уни дунёда,  
Барча мақсадларинг учун йўлинг,  
Тоинки мақталади охиратда қайтадиган ўрнинг.

## 34-дарс

### Чақмоқ ва момоқалдирок

Ҳавода сузиб юрган булутларни миқдори, шакли ва қалинлиги ҳар-хил бўлади. Булут қалин бўлиб, улардан бири бошқасидан ажраганда ҳавода осмонни тўсиб тургандек кўринади. Шамоллар уларни осмонда ҳайдайди, сўнг булутларнинг зарядининг тепасида ҳавонинг заряди пайдо бўлади. Бири манфий ва бошқаси мусбат бўлган икки булут зарядлашганда ва бири бошқасига яқин бўлган пайтида, иккаласидан бири бошқасини тортади. Шу пайт кучли тўқнашиш пайдо бўлади, иккаласини чеккасида ёки сатҳида урушганликлари сабаб чақмоқ деб номланадиган кенг тарқалган, ялтироқ, нур ҳосил бўлади. Бу тўқнашиш сабабли қаттиқ овоз эшитилади. Ана ўша нарса момоқалдирок гумбурлашидир. Чақмоқнинг барқ уришидаги ва момоқалдирокнинг тушишидаги ҳажмининг катталиги, иккала булутнинг катталигига ва иккаласидан бири бошқасига қопланиш кайфиятига ҳамда булутларга қарагувчи ва эшитгувчининг яқинлигига боғлиқ бўлади. Агар иккала булут кичкина ёки ингичка бўлса, овоз заиф ва ажралиш енгил бўлади. Агар иккала булут катта ёки қалин бўлса, овоз қаттиқ ва ажралиш қийин бўлади. Нурнинг тезлиги ҳаводаги товушнинг тезлигидан кучлироқлиги учун

чақмоқнинг ялтираши момоқалдироқ овози эшитилишидан олдин зоҳир бўлади. Агар булутнинг электрланиши ернинг электрланиши билан йўлиқса ва тўқнашиш жуда қаттиқ бўлса яшин пайдо бўлиб, уйлар ва кўрғонларни бузиб юборади. Яшин баланд бўлган ҳар бир нарсага юзланади. Шунинг учун инсонлар бинолар омонда қолиши учун яшинни тортадиган ва уни қувватини ерга ўтказиб юборадиган яшин чўплари деб номланадиган (темир) чўпларни ерга суқуб қўядилар.

## 35-дарс

### Шер, бўри, қарға ва чиябўри

Бир шер ўрмонда турарди. Унинг учта дўсти бўлиб, улар бўри, қарға ва чиябўри эди. Ўрмондан туяларнинг қарвони ўтиб қолди. Туялардан бири йўлдан адашиб шерни олдига келиб қолди.

Шер унга:

- қаердан келаяпсан?—деди. Туя:

- фалон ердан-деди. Шер:

- нима ҳожатинг бор?—деди. Туя:

- сиз нимани буюрсангиз шуни бажариш мавлойим—деди. Шер:

- кенгчилик ва мўл- кўлчиликда бирга яшаймиз-деди.

Туя улар билан кўп вақтлар бирга яшади. Кунларнинг бирида шер овга чиқди ва овда баҳайбат филга дуч келиб, у билан қаттиқ жанг қилди. Ундан зўрға қутулиб, жароҳатланиб, заифлашиб, уяси яқинига етиб келганида ҳаракат қилишга ҳам қодир бўлмасдан йиқилди ва ов қилишга ҳам ярамай қолди. Бўри, чиябўри ва қарға шердан ортиб қолган овқатлар билан озуқаланиб кун кўрганлари учун таом топа олмай қолдилар. Уларга очлик ва озғинлик азоб берди. Шер уларга: Дарҳақиқат ейдиган нарсага муҳтож бўлдинглар", деган эди, улар шерга: "Бизга сенинг ишинг нафсимиз хоҳишидан ҳам муҳимроқ, биз сенга таом топиб келамиз", дейишди. Шер



ҳаракат қилиб кўринглар, қошки бирор ов топсаларинг деди. Бўри, қарға ва чиябўри шернинг ҳузуридан чиқиб ўзаро маслаҳат қилдилар. Ва шер туяни ейиши керак, деган маслаҳатга иттифоқ қилдилар. Қарға шернинг ҳузурига бу фикр ҳақида гаплашиш учун борди. Қарға унинг ҳузурига кирганди шер; “Бирор нарса топдингларми?” деди. Қарға: “Ҳаракат қилган топади ва кўради, бизда ҳаракат йўқ кўрмаймиз ҳам, чунки биз очмиз, лекин биз бир фикрга иттифоқ қилиб келишиб олдик. Агар шер ҳам бизга шу ишда мувофиқ бўлса биз уни бажарамиз”, деди. Шер: “Нима экан у?” деб сўради. Қарға: “Бизга фойдаси тегмасдан фароғатда майсаларни еб юрган мана бу туя”, деди. Шер бу гапни эшитиб ғазабланди ва: “Хато фикрлишингга, вафо ҳамда раҳматдан узоқлашингга сени нима мажбур қилди? Мен унга омонлик берганимни била туриб бу гапни айтасан деб ўйламагандим”, деди. Беҳуда қон тўкмайдиган ва бир жонни омонликка олган кишининг ажридан кўра улугроқ ажрни садақа қилгувчи садақа қила олмайди, деган гапни эшитмаганмисан? Мен уни ўз омонлигимга олдим ва унга хиёнат қилмайман, деди. Қарға: “Мен шер айтаётган гапларни биламан, лекин бир жон, аҳли байт учун фидо қилинади, аҳли байт, қабила учун фидо қилинади, қабила шаҳар учун фидо қилинади, шаҳар аҳли подшога фидодур. Ҳозир сени туяга ҳожатинг тушди, мен сени кафиллигингдан чиқадиган бир иш қилайки, сен уни ўзинг ҳам қилмайсан бирор кимсага ҳам буюрмайсан. Биз шундай ҳийла қилайликки, унда сенга ҳам бизга ҳам фойдаси бўлади, деди. Шер қарғанинг гапига жавоб беришдан жим бўлиб қолди.

## 36-дарс

### Шер, бўри, қарға ва чиябўри

Қарға шернинг мувофиқлигини билгач дўстларига келиб: “Ҳаммамиз бир овоздан шер туяни ейишига келишдик”, деб айтдим, деди. Туя унинг олдида бўлганда шернинг олдига борамиз ва унга етган мусибатни эслаймиз, уни

соғайишини хоҳлаётганимизни, унинг бу ҳолига жуда хафа эканлигимизни билдириб, ҳар биримиз ўзимизни унга ейишликни таклиф қиламиз ва бу таклифни бошқамиз қайтариб, унинг фикрини айблаб уни ейишликда зарар борлигини баён қиламиз. Агар шундай қилсак ҳаммамиз омон қоламиз ва шер биздан рози бўлади", деди. Сўнг улар туя билан ҳам шу ишлари ҳақида гаплашдилар ва ҳаммалари шерни ҳузурига бордилар.

Қарға: "Эй подшоҳ! Дарҳақиқат қувват бўладиган таомга мухтож бўлдинг, биз сенга ўзимизни ҳиба қиламиз, яъни топширамыз. Чунки биз сени ёрдамнингда ҳаёт кечирардик, агар сен ҳалок бўлсанг ҳеч қайсимиз тирик қолмаймыз. Шер мени ея қолсин, мен бундан мамнунман, деди. Бўри ва шоқол: "Жим бўл эй қарға! Сени ейишдан фойда йўқ, қувват бўлгудек гўштинг ҳам йўқ", дедилар. Чиябўри: "Лекин мен шерни тўйдирма оламан, ўзимни шерга бағишладим, мени есин, деди. Бўри ва қарға: "Жим бўл! Сен сассиқ ва ифлос ҳайвонсан", деб унинг гапини қайтардилар. Бўри: "Мен ундай сассиқ эмасман, шер мени есин ўзимни шерга чин ихлос билан бағишладим", деди. Қарға билан чиябўри: "Табиблар ким ўзини ўлдиришни хоҳласа бўри гўштини есин деганлар", деб унга эътироз билдирдилар. Шу ҳолатни кўрган туя агар мен ҳам ўзимни шер ейишига таклиф қилсам баъзилари баъзиларига узр келтирганларидек менга ҳам узр келтирсалар мен ҳам омонда қоламан ва шер мендан ҳам рози бўлади, деб ўйлади. Ва мен тўйимлиман ва гўштим ҳам ширин, ичим тоза, шер мени есин ва дўстларига таом қилиб берсин, мен шунга ўз ихтиёрим билан розиман, деди. Бўри, қарға ва чиябўри: "Туя тўғри айтди ва эҳтиром қилди", дедилар-да, туянинг устига сакраб, парча-парча қилиб ташладилар.

## 37-дарс

### Андалиб

Булбул деб танилган андалибни сайраши ёқимли, куйи шодли ва лаҳжаси фасоҳатли. Боши, иккита қора думи бор бўлиб, жуссаси кичкина. Аммо унинг орқаси, кўкрак тўши ва қорни кўкимтирга яқин қора рангда. У кўчманчи қушлар жумласидан бўлиб, баҳорнинг ўрталарида мўътадил шаҳарларга учиб боради. Гоҳида шимол тарафга ҳатто Россия, Олмониягача учиб боради ва у ерда полапонлайди. Сўнг ёзнинг охирларида Миср, Мағриб шаҳарлари ва бошқа иссиқ ўлкаларга қайтиб келади. Улар учун жойларнинг маҳбуброғи кўздан узоқ бўлган чакалакзор ва ўрмонлардир. Чунки у дарахт шохига қўниб бетакрор, шод қилувчи ва эшитган кишини қадамини тўхтатиб, қалбини дуккиллайтиб қалтиратадиган даражада чиройли сайрайди. Ва у сайрашда тенги йўқдир. Бошқа сайроқи қушлардан оҳанглар услубларини топишда лаёқатлилиги ва ритмларни чиройли қилишлиги билан ажралиб туради. Ҳатто уни чиройли сайрашида зарбул масаллар келтирилади. Уни кечасида сайраши кундузгига нисбатан кўпроқ ва яхшироқ бўлади. Гоҳида кечасида тун кийимини ечиб тонг ёрушгунча бир бу куйни ва орқасидан бошқа куйни навбатига куйлайди.

Қандаям чиройли шоирнинг шери;

***Фасиҳ куйлар куйлайдиган малоҳатли шаклли танбурга қасам***

***Қуриган чоғида фасоҳатли куйни куйлар, асли у бир шох бўлса ҳам***

***Маърифатли шайх бўлар, ёшлигида уламоларга чиройли муомалада бўлган.***

Булбул уясини қуруқ барглар ва майин ўтлардан ер юзига ёки унга яқин бўлган жойга қуриб ҳеч ким топиб олмаслиги учун уни дарахт шохлари билан ўраб қўяди. У тухум қўйиш ва полопонлаш кунларида ҳам сайраб чарчамайди. Уни ҳатто боласини тарбия қиладиган кунларда ҳам чалғитмайди. У шу ётишда тухумни очгунча ётади. Болаларини тарбиясига урғочисининг ёрдами билан овунади. Шундан кейин унинг товуши дағаллашиб, хириллаб қолади. Агар сайраса унинг сайраши қарғанинг сайрашига ўхшаб узилиб чиқади. Унинг таоми дарахт қурти, тут, анжир ва наъматак меваси каби мевалар ҳамда пашша ва қурт-қумурсқалардир. Куз келиб, ҳаво совий бошлагач, мўътадил

ўлкаларни тарк этиб, болалари билан иссиқ шаҳарларга учиб кетадилар. Булбул тутқунликда кўп сабр қилолмайди. Агар қафасга қамаб қўйилса жуда оз сайрайди ва жуссаси ҳам кичраяди, агар кўп турса қайғудан ўлиб қолади.

## 38–дарс

### Табиб чол

Халифа Маъмун ҳар йили табибларни малакали табиб ҳузуридан синовдан ўтишларини буюрар эди. Кимнинг илми мукамаллигини кўрса унга муолажа қилиши учун изн берарди. Агарда кимда ожизликни кўрса унга илмини мукамал қилмагунига қадар муолажа қилишга изн бермас эди. Бир куни Жибрил ибн Нажтайуш табибларни чақириб имтиҳон қилиш учун ўтирди. Табиблар унинг олдига ҳар томондан кела бошладилар. Уларни касалликлар, касалликнинг келиб чиқиши, фойдали муолажалар, тана ва аъзолар устида ишлаш тўғрисида имтиҳондан ўтказарди. Кунларнинг бирида қари чол ҳассасига таяниб келиб, салом берди ва имтиҳондан ўтиш учун ўтирди. Жибрил уни танимади ва унга: “Эй амаки, сиз табибмисиз?” деди. Ҳа, Худо хоҳласа деди. Жибрил унга: "Табибликни кимдан ўргангансиз?" деди. Чолга бу савол малол келди ва: "Эй Жибрил уялмайсанми? Мендек қари одамни кимдан дарс олгансан деб сўроқ қилгани? Яхшиси мендан қанча шогирд чиқаргансиз? деб сўра", деди. Хўп, деди Жибрил. Қандай китоблардан ўргангансиз? Деди яна Жибрил. Чол безовталаниб Жибрилга: "Мендан яна китоб ҳақида сўраяпсанми?" деди. Ҳа, мен одобсизлик қилдим аммо бўш қолгунимга қадар мени кутиб турасиз, шояд сиздан баъзи саволларга тўлиқ жавоб олсам, деди. Чол бир четга бориб ўтирди. Мажлис тугганидан сўнг чолни чақирди ва унга: "Мен сиздан устозингиз ким, нима китоб ўқигансиз? Деб сўрасам сиз бошқа нарсани сўра дея жавоб бердингиз, деди Жибрил. Энди сиздан фалон масалани фалон усулда шарҳлаб тушунтириб беришингизни талаб қиламан, деди. Қария: "Тўғрисиани айтганда менда савол ҳам, жавоб ҳам йўқ, мен ўз ризкимни ҳосил

қилишдан қийналиб қолдим, шунинг учун менга шу касбни восита қилиб беришингни хоҳлайман, деди. Жибрил: "Эй амакижон! Сиз яшаб инсонлар ўлса майлими? Агар бу касбни муккамал билсангиз қилинг, бўлмаса ўзингиз учун бошқа иш қидиринг, деди. Мен икковига ҳам қодир эмасман, деди чол. Мен ҳам сизга муолажа қилишингиз учун рухсат бера олмайман, деди Жибрил. Чол шунча ялинса ҳамки унга рухсат бермади.

Бир йилдан сўнг Жибрил одатига кўра имтихон олиш учун жойига ўтирди. Табиблар унинг олдига кела бошладилар. Улар орасида бир йигит ҳам бор эди. Табибликни кимдан ўргангансан эй йигитча?—деди Жибрил. Отамдан деди. Отанг ким?—деди Жибрил. Фалончи деди, яъни ўтган йили келган чолни айтиб. Аллоҳ иккалангизни муваффақиятсизликка учратсин, отанг нимани ҳам билардики сенга ўргатса, деди Жибрил ва уни қувиб юборишларини буюрди.

## 39-дарс

### Шер, бўри ва тулки

Бир шер касал бўлиб қолди, унинг олдига тулкидан бошқа барча ёввойи ҳайвонлар кўргани келди. Бўри шерга: "Эй шоҳ, тулки сенинг хизматингда эътиборсизлик қиляптику? Сен касал бўлдинг, тулкидан бошқа барча ҳайвонлар олдингга келди. Агар уни жазоламасанг бошқа ҳайвонлар ҳам унинг ёмон одобига эргашиб, сенга журъат қила бошлайди", деди. Шернинг қалбига бўрининг гапи таъсир қилди ва бўрига: "Тулки олдимга келганда буни менга эслат!" деди. Бу мажлисда қуён ҳам бор эди, у тулкининг олдига бориб: "Эй Абу Ҳусайн! Шердан эҳтиёт бўл", деди. Нега? Деди тулки. Қуён, шернинг олдида тулки ҳақида бўри нималар деганини айтиб берди. Тулки қуёнга бу ҳақда хабар берганига раҳмат айтиб, бир куркани овлади ва шернинг ёлғиз қолишини пойлаб, унинг олдига кириб, салом берди. Шер унга: "Касал бўлган вақтимда сендан бошқа ҳамма келди. Бу ишинг менинг қудратимга бўлган ҳақорат эмасми?" Деди. Тулки: "Аллоҳ сақласин, мен кичкина қулинг бўлсам.

Шоҳимнинг касал бўлганини эшитиб, унга моҳир табиб топмоқлик учун йўлга чиқдим. Биз тулкилар жамоаси буни яхши фикр деб ўйладик. Мен уни олдингизга олиб келишга қарор қилиб, унинг олдига борсам боласининг ўлими сабаб мусибатли ҳолда топдим, шунинг учун сенинг хизматингга олиб келиш имкони бўлмади. Лекин мен касаллигининг даво йўлини топдим, у йўл— курка гўшти билан озуқаланиб, курканинг ўт пуфагини олиб унга бўрининг болдирининг қонини аралаштирасан ва у билан ёғлаб суртасан, кейин унга бўрининг оёғини осиб кўясан, шунда шифо топасан мана сенга курка олиб келдим, деди тулки. Шер унинг сўзини эшитгач садоқатига шубҳа қилмади, сўнг куркани еб лаззатланди, танасида энгиллик ҳис қилди ва унинг ўт пуфагини олди, тулки ҳам кетди. Бўри шернинг олдига келган пайт шер уни ушлаб, оёғини узиб олди ва қонини олиб ўт пуфаги билан аралаштирди сўнг уни ёғлаб суртди. Бўри азоб чекди ва шердан ўзини қутқара олишига ишонмади. Ундан узоқлашганидан кейин, оғриқнинг қаттиқлигидан ўзини ерга ташлади. Бўри ётганда тулки унинг олдига келиб, эй қизил маҳсили, агар шох ҳузурида бўлсанг дўстларингнинг обрўсини тўқишдан тилингни тий, чунки ўша тилинг сени бу аҳволга солди, деди.

Шер:

*Сақлагин тилингни эй инсон*

*Сени чақмасин, чунки у илон.*

Инсоннинг аҳмоқлиги иккита нарса билан биланади:

1-бефойда гапириши;

2-сўралмаган нарсага жавоб қайтариши.

## 40-дарс

### Поклик

Саломатлик—туман бойлик. Усиз инсон на уй ишларини қила олади, на кўчадаги ишларини қилади ва на ҳаётнинг кўнгилочар, оромбахш лаззатларини

ҳис қилади. Соғлиқни сақлашдаги энг кучли сабаб ва касалликларни ҳайдашдаги энг катта восита бу покликдир. Унга диққат-эътиборли бўлиш катта-ю кичикка бирдек вожиб. У тананинг фаоллигини ва кўркамлигини зиёда қилади. Одамнинг терисида майда-майда тешикчалар бўлиб, улар тирноқ миқдорича бўлган жойда тахминан юзта бўлади. Шу тешикчалардан ҳар куни қишин ёзин жасадга тер оқиб чиқади. У тер куннинг жазирама иссиғида юрган одамлардан ҳамда оғир ва машаққатли иш қилувчилардан кўпроқ чиқади. Тер тананинг ташқарисига чиққач, баданга ёпишган чанг ғубор билан аралашиб, бадан устини ўраб ёпишиб қолади. Натижада тер чиқарадиган майда тешикчалар тўсилиб қолади. Тер қондан пайдо бўладиган ошиқча суюқлик бўлиб, бадандаги бошқа ошиқча нарсаларни ташқарига чиқаргани каби, уни ҳам ташқарига чиқариб юбориш лозим. Тер баданда ушланиб ёпишиб қолганлиги сабабли касалликлар пайдо бўлади. Кучли табибларнинг текшириб кўришича, эски ва ифлос уйларда яшовчилар, бузилган ҳаводан нафас олувчилар ва кир кийимларни кийиб юрувчилар хавфли касалликларга ёки безгакга тез чалинар эканлар. Аксинча саломатлик қоидаларига риоя қилиб, баданларини, кийим ва жойларини поклик сабаблари билан муҳофаза қиладиган одамларга касалликлар камдан-кам келар экан.

## 41-дарс

### Илм фойдалари

Илм кишига замонлар узра чўкқидир,  
Уни меҳнат ва мусибатлардан сақлайдир.

Сайидлик ва олийликдан тўқилган кийимдир,  
Аллоҳга қасам бебаҳо зийнатдир.

У билан киши қалби девоналикдан сақланар,

Айниқса ўлим ва кафан унга бўлса дучор.

Ундан олади ҳар бир киши танбехларни,  
Одил дастур, чиройли асосларни.

Ундан идрок этар халқ диёнат моҳиятин,  
Қоим шарият, фарз ва суннат маъносин.

Илми толибга илм йўлида қимматбаҳо нарсаларни сарфлаш ҳақдир,  
Дилхушлик ва мудроқликни отиш шартдир.

Илм бўлмаса, жисмни соғлом сақлаш йўқдир,  
Баданни касаллигини кетгизгувчи муолажа йўқдир.

Ҳа, ҳа денгиз устида сафар йўқдир,  
Турли навдаги буғли кемалар йўқдир.

Фасоҳат берилган инсон,  
Фазилатли бўла олмасди чўлдаги ваҳшийдан.

Шаҳарларда интизом бўлмасди,  
Халқ орасида иттифоқ, тўғри йўл топилмасди.

Қад кўтарган шаҳарлар бўлмасди,  
Халқ билан гуллаб яшнаган саройлар бўлмасди.

Агар илм бўлмаса, инсон боласининг барчаси,  
Гўнгтепада ўтлаб юрган ҳайвонлардан фарқ қилмасди.

Илм нурларидан истифода олгувчи бўлсанг,



Олийликни, улуғликни қўлга киритгувчисан.

Илтижо қил ва шошил у билан илм давлатини қуришда,

Ёрдам бергувчи бўл унга ичдаю ташда.

У етаклагувчи тўғри йўл, фаровон ҳаётга,

Юрт ичида солаҳиятли йўл топишга.

Ҳар бир инсонки, яшар экан унга қўл чўзмай

Инсонлар орасидадир, инсонлардан саналмай.

*(Шайх Насиф ал-Язжий)*

## 42-дарс

### Қоплон

Қоплон мушуклар тўдасидаги ҳайвонларнинг энг чиройлиси бўлиб, Африка ва Осиё қитъаларида яшайди. У йўлбарсдан кичикроқ лекин кўриниши ёқимли ва чиройли, баданидаги қора чизиклар янада уни чиройли кўрсатади. Мушукка ўхшаб шохдан шохга маҳорат билан сакраб ўтгани учун Ҳиндистонликлар уни дарахт йўлбарси дейдилар. Бу эпчиллиги билан шер ва йўлбарслар овлай олмаган ҳайвонларни овлай олади. У овчилардан жуда кўрқади, уларни келаётганини сезса тезда қалин дарахтзорларга яширинади. Овчилар итлари билан келсалар қоплонга тез югуриш ва аралашиб кетган, баланд, катта дарахтларга чиқиб жон сақлашдан бошқа йўл қолмайди. Дарахтларнинг шохлари орасига яширинсагина итлардан омонда бўлади, лекин овчиларнинг ўқларидан омонда бўла олмайди. Овчилар уни кўрсалар, устларига сакраб ҳужум қилишидан кўрқиб у чиқиб олган дарахт ёнига боришдан кўрқадилар. Шунинг учун узоққа пистирма қўйиб, уни чиқишини ажойиб сабр билан кутадилар. Агар чиққанини кўрсалар ўқ отиб қулатадилар.

Ўқ уни ўладиган жойига тегса шу онда йиқилади, лекин жароҳатланадиган бўлса ғазаби чиқиб, шиддат ва дарғазаблик билан овчиларга хужум қилади. Кўпинча унинг тирноқлари ва тишлари овчиларнинг териларига кириб парча-парчи қилади. Қоплон тулжига ўхшаб товук гўштини ёқтиради ва унга ўхшаб товуклар уйлари атирофида баъзисини ушлаш орзусида айланиб юради. Гоҳида фермер эрта туриб товукларни топа олмаса, қоплон келганини билади.

Қоплон қўлга ўргатиш осон ҳайвонлардан. Кичиклигида ушлаб уйда тарбия қилинса ёқимли улфат бўлиб ўсади. У ўйинни яхши кўради. Кичикларининг кўриниши чиройли ва ёқимли бўлиб, дўстликда мушук боласидан фарқ қилмайди.

## 43-дарс

### Дарвеш ва сичқон

Бир дуоси ижобат бўладиган қаландар-дарвеш бор экан. У бир куни денгиз соҳилида ўтирса оёғида кўр сичқон кўтариб кетаётган калхатни кўрди. Оёғидаги сичқони унинг олдига етганда тушиб кетибди. Дарвешнинг унга раҳми келиб, қоғозга ўраб, уйига олиб бораётиб, йўлда уни тарбия қилиш аҳлига қийин бўлишини ўйлаб, Роббисидан уни жорияга айлантиришини сўраган экан, у чиройли жорияга айланибди. Уни аёлига олиб бориб, бу қизим, унга ўз боланга муомала қилгандек муомала қил дебди. Жория балоғатга етгач дарвеш унга: "Эй қизчам кимни яхши кўришингни айт, сени унга турмушга бераман", дебди. Жория менга ихтиёр берсанг, энг кучли нарса эрим бўлишини хоҳлайман, дебди. Дарвеш куёшни хоҳлаяпсанми? Дебди. Сўнг дарвеш куёшга бориб:

- "Эй буюк махлук, мени бир жориям бор у энг кучли нарса эри бўлишини хоҳлаяпти, сен унга уйланасанми?" дебди. Куёш:

- “Булут мендан кучлироқ, у мени ўраб олади, нурларимни қайтариб, тўсиб қўяди”, дебди. Дарвеш булутга бориб, қуёшга айтган гапини айтибди. Булут:

- “Шамол мендан кучлироқ. У мени олдинга-орқага ва шимолу-ғарбга ҳайдайди, унга боргин”, дебди. Дарвеш шамолга бориб, булутга айтган гапини айтибди. Шамол:

- “Тоғ мендан кучлироқ, мен уни ҳаракатлантира олмайман, унга боргин”, дебди. Дарвеш тоғни олдига бориб, ўз гапини унга айтибди. Тоғ унга жавоб бериб:

- “Каламуш мендан кучлироқ. У мени тешиб ўзига уй қуриб олади, мен уни тўхтата олмайман”, дебди. Дарвеш каламушга бориб унга:

- “Жориямга уйланасанми?”, дебди. Каламуш:

- “Унга қандай уйланаман, менинг уйим тор, мен каламушга уйланаман” дебди. Дарвеш Роббисига жориясини, яна каламушга айлантеришини сўраб дуо қилибди. Бу жориянинг розилиги билан бўлибди. Аллоҳ уни аввалги ҳолатига қайтарибди ва каламуш билан бирга кетибди.

## **44-дарс** **Ҳикматли қасида**

Яхшилик қил инсонларга қалбларини қул қиласан,  
Айниқса инсонларни қул қилар эҳсон.

Яхшилик қилувчига инсонларнинг барчаси мойил бўлур,  
Шу ҳолат у инсонни алдаб қўйгувчи бўлур.

Яхшиликни ман қилгувчи кишини,  
Ҳақиқат пайтида бўлмас дўст, оға-ини.

Эй жисмини ходими, қанча қилдинг унинг хизматини,  
Талаб қиласанми хусрон бўлган фойдани.

Нафсга юзланиб, унинг фазилатларини комил қил,  
Инсон жисм биланмас, нафс билан инсондир.

Йигитнинг ақли дўстликка кифоя қилгувчидир,  
Дўстларни оға-инилар, ҳимоя чоғи унга қўшгувчидир.

Маъишатидан розидир қаноатли,  
Агар бой бўлса ҳам ғазабдадир, ҳирс соҳиби.

Инсонларга аралашган киши улардан захматга йўлиқувчидир,  
Чунки зулм ва душманлик инсон табиатида сузиб юрувчидир.

Ёмонлик эккан киши, оқибатда надомадлар ўради,  
Екинларни ўриш учун, ўз вақти соати бўлади.

Ким юрса ёмонларга мойил бўлиб,  
Ухлайди, кўйлаги захар ва илонга тўлиб.

Инсонлардан саломат бўлганлар, уларнинг зулмидан омонда бўлади.  
Шодлик хурсандликка қайтиб киради.

Агар узоқлатса олийжаноб кишини бир ватан  
Унга кучоқ очар бир қанча макон.

## **45-дарс** **Ҳикматли қасида**

Ўйлама ҳар доим хурсандлик бўлар,  
Кимни бир замон хурсанд қилса уни замонлар хафа қилар.

Эй сийрати рози қилгувчи олим,  
Сувсиз сувга қонгувчисан, хурсанд бўлгин.

Эй жоҳил агар мўл-кўл сувда бўлсанг ҳам,  
Шаксиз сувнинг ўртасида чанқоқсан.

Излайдиган яхшиликларда ялқовликни тарк қилгин,  
Ялқов, яхшиликлар билан бахтли бўлмаслигин билгин.

Ҳисоблама бир хил табиатли барча инсонлар,  
Улар учун ҳисобсиз табиатлари бор.

Ҳар бир сув чашма каби эмас,  
Ҳа, ҳар-бир ўсимлик саъдан эмас.

Аллоҳдан бошқасидан ёрдам сўраган киши,  
Ожиз ва маҳрумдир унинг ёрдам бергувчиси.

Сўзга чечан Саҳбон ҳам агар моли бўлмаса, дудукдир,  
Мол сотиб олаётган дудук, Саҳбон каби сўзга чечандир.

Аллоҳ кечирар гуноҳларни бўлса ҳам ёмон,  
Агар кишида бўлса ихлос ва иймон.

Ҳар қандай синиқни Аллоҳ тузатгувчидир.  
Дин найзасини синдирганни тузатгувчи йўқдир.

Яхшилик қил агар бўлса сенда қудрат ва имкон,  
Доим имкон топа олмас яхшилик қилишга инсон.

Боғ гуллар билан унинг ҳушбўй ҳиди зиёдадир.  
Ҳурнинг комиллиги одиллик ва яхшиликдадир.  
(Абул-Фатҳ ал-Бастий)

## 46-дарс Чумоли

Чумолининг жисми инсоннинг назарида қандай ҳам кичкина ва қандай ҳам паст. Лекин ақл, жисмларнинг катта ва кичиклигига боғлиқ бўлганда, фил барча ҳайвонларнинг ақллироғи бўлар эди ва кичкина болага баҳайбат туяни етакламоққа ҳеч имкон бўлмас эди. Жисми ориқ чумолига ажойиб ишлар ва тадбирларни қилиш имкони бўлмас эди.

Кўп олимлар чумолиларнинг аҳволларини ўрганиб, кўрган нарсаларининг буюклигидан даҳшатга тушдилар, ҳатто баъзилари албатта чумоли кичрайтирилган инсон, деди.

Чумолилардан бир гуруҳи фақат аскарлардан иборат бўлиб, кўшни мамлакатлардаги чумолиларга ҳужум қилмоқ учун чиқадилар. Агар улардан қувватда ва кучда озроқ бўлсалар, уларнинг диёрларига ҳужум қиладилар ва уларни хизматларига қуллиққа асир олган ҳолда қайтадилар.

Чумолиларнинг бу гуруҳи, ўз ишлари ва аҳволлари тадбирларини адо қили олмайдилар. Ўзларига ўзлари хизмат қила олмайдилар, балки жоҳилиятдаги араблар, ҳозирги замондаги саҳролик ва кўчманчилар каби урушларда асир олинган қулларини хизматларига суянадилар.

Олимларнинг бири шу чумолилардан бир қанчасини, бузилган уйлари ва озроқ таом билан бир шишага солиб уни кузатди. Бу чумолилар нима қилишини билмасдан ҳайратланиб, ҳатто таомга йўл топа олмасдан айланаётганлигини кўриб, уларнинг қулларидан хунук, қийшиқ бир чумолини олиб, шишага ташлади. Хизматкор чумоли шишага тушган заҳоти, бошлиқларини таомлантириб, уларга хизмат қила бошлади гўёки она ёки энага

бешиқдаги боласини талабларини қондирганидек уларни талабларини қондирди. Улар учун ўз зиммасида шарт бўлган барча нарсаларни адо қилганидан кейин шишадаги бузилган уй парчаларини тузата бошлади.

Жангари чумолилардан бир тури иккинчисига йўлиқса, ҳаёт мамотларини аниқлайдиган қонли урушдан кейингина ажраладилар. Кичик чумолилардан бир тўдаси ўлган чумолининг атрофини ўраб олиб, унинг яшайдиган жойига олиб келиш билан шуғулланади.

Бу турли чумолиларни урушдан қолган асорати, яъни оёғи синган ёки бирор танаси синган ҳолда топасан.

Улардан бир тури, дарахтларнинг баргларида уйлари шифтли ва деворли қилиб бино қурадилар. Уларни, бошларига соя қиладиган даражада катта барглари кўтариб қатор-қатор бўлиб юраётганини ва масканларини бино қилиш учун олиб кириб кетаётганини кўрасан.

Улар уйлари лой табақалар билан ажойиб услубда шифтли қилиб қуради. Масканларининг бир қисми ер остида, бир қисми ер устида бўлиб, ер остидаги қисми кўплаб ер ости йўлларида иборат бўлади. Ер устидаги қисмининг баландлиги тахминан олтмиш сантиметрга етади. Ер остидаги бино қурувчилар, барг ташигувчилардан бошқа тоифаданлиги таажжубли ишдир. Чунки, бу тоифанинг вазифаси келишилган жойдан дарахт барглари келтирадилар ва бошқасини олиб келгани кетадилар. Уларнинг бундан бошқа иши йўқ.

Машҳур чумоли турларидан, йиғим терим кунларида кўп уруғларни жамлаб, ер остидаги кенг ва тор махсус омборларга жойлаштирадиганлари бор. Сақлаш учун йиғайтган уруғларини танлашда эҳтиёт бўлишлик чумолиларнинг табиатидандир. Олимлардан бири чумолилар гурунч йиғайтганини кўриб, уларни чалғитиш учун йўлларида кичгина маржон қўйди, чумоли уни олиб кириб кетди ва маржоннинг гурунч эмаслиги равшан бўлгач инидан ташқарига чиқариб ташлади ва унга бошқа тегинмади.

## 47-дарс

### Чумоли

Сен биз айтган нарсалар билан чумолининг ажойиботлари ниҳоясига етди деб ўйлаётгандирсан. Ундай бўлса дуч келган ҳар қандай ҳайвонни тор мор қилгани сабабидан “ғалаба қилгувчи чумоли” деб номланадиган чумоли воқеасини ҳикоя қилиб берай. Бу чумолилар, Африканинг марказий вилоятларида яшовчи кўп инсонларни қочиб, уйларини бўш, очик ҳолатда ташлаб чумолилар сувдан ўта олмасликларини билганлари учун суви бор ҳовуз ёки сойнинг нариги тамонига кетишга, ҳижрат қилишга, мажбур қиладилар. Гоҳида бу чумолилар тоифаси чўчка ва бошқа ҳайвонларнинг уясига кириб, тўсатдан қўрқинчли ҳужум қиладилар ва уларни қабиҳ ҳолатда ўлдирадилар. Бу чумоли аскарлари қуёш нурига чидай олмаганлари учун бошқа ҳайвонларга қоронғу кечаларда ёки қалин булутли кунларда ҳужум қилишни ихтиёр қиладилар. Уларни бирор иш кундузи иссиқда юришга мажбур қилса, ҳужум қилиш учун танлаган йўллари тепасига узун шифт бино қиладилар. Бу шифт ер тупроғидан қурилади. Чумоли тупроқни олиб, ҳаво ҳароратида намлик қуриб, тупроқлар бир бирига ёпишиши учун ёпишқоқ сўлагидан аралаштиради.

Гоҳида иссиқ шаҳарларга ёмғир ёғиб мешни оғзига ўхшаш, кўп маконларни қоплаб олади ва вайрон қилади. Хусусан чумолилар яшайдиган масканларни ҳам вайрон қилади. Шундай ҳолатда бу бечора кичик ҳайвон нима қилади? Ёмғир чумоли масканларини вайрон қилганидек, уни ҳам ўлдирган деб инсон ҳаёл қилади. Лекин бу кучсиз ҳайвон нима қилганини билсанг унинг маҳорати, эпчиллигидан таажжубга тушасан. Яъни, чумолилар оқизгувчи селни сезсалар, барчаси жам бўлиб, бир бирини кучоқлаб, ўзларидан юмалоқ тўп ҳосил қиладилар ва сувни устида турадилар. Юмалоқнинг ўртасида аёллар, кичиклар ва заифлар бўлиб, ташқариси кучли эркаклар билан ўраб турилади. Чумолилар пайдо қилган тўп шакли енгил бўлгани учун сувга чўкмайди ва унинг ўртасига сув кира олмагани сабабли ўртада турган аёллар, кичиклар ва



заифлар сув етишидан омонда бўладилар. Аллоҳ уларга илҳом ва хиба қилган заковатга эътибор қилгин.

Биз, инсонлар хужум қилгувчи чумолилардан қўрқишлари ҳақида зикр қилгандик. Яна шулар ҳақида қуйидагилар айтилган: Инсонлар чумолиларнинг баъзи тоифаларини кўрганлари заҳоти, уруш қилиш ва курашиш учун дарахт шохлари, барглари ва хурмо буталарини йиғиб тайёргарлик кўрадилар. Чумолилар уй қурган жойларида йиғилиб турганларида уларни оловда куйдириш учун тайёрлаган нарсаларини ёқадилар. Лекин бу йўл билан мақсадга етиб бўлмайди, чунки чумолиларнинг кўпи қочиб яқиндаги дарахтлар шохларига чиқиб оладилар. Ва узун иплар барпо қилиб, у орқали бошқа дарахт шохларига ўтиб кетадилар.

Чумолилар бу узун ипларни барпо қилишлари учун чиройли ҳийла ишлатадилар. Яъни улардан кучли бир чумоли дарахтнинг шохига осилиб, қаттиқ ёпишиб олади ва қолган жисмини фазога ташлайди, кейинги чумоли келиб, биринчи чумолининг устидан юриб ҳавода осилган аъзосига осилади ва қолган аъзоларини фазога ташлайди. Шу ҳолатда ҳавода осилиб, тебраниб турган узун занжир пайдо қилгунларича бир бирларига эргашиб тушаверадилар. Шу пайт улардан кучли, катта бир чумоли дарахтдан бошқа шохга тушиб, орқа оёқларини шу шохга маҳкамлайди сўнг занжир бўлиб осилиб, тебранаётган чумолилар унинг олдидан ўтишини кузатади. Унинг олдидан ўтганда ҳавода осилиб турган олдинги оёқлари билан уларни ушлаб олади. Шу услуб билан чумолиларга шохдан бошқасига ўтишга имкон бўлади. Чумолилар ўтаётган шох бир зумда қоп-қора чумолилар жамоаси билан қопланади. Африканинг марказий вилоятларига борган кишилар, аскар чумолилар бир маконга бораётганларида йўлларида сув сой ёки ариқча чиқиб қолганида ушбу ҳийлани ишга солганларини айтадилар. Собик тартибга кўра жуда узун занжир барпо қиладилар, бу занжир ҳавода бошқа қуруқ ерга ёки шохга етгунича осилиб туради. Сўнг бу занжирдан, қолган чумолилар нарига тарафга ўтиб олгунларича кўприқдан фойдалангандек фойдаланадилар.

## 48-дарс

### Эҳромлар

Эҳромлар, замон ўзгарса ҳам ўзгармаган бинолардан бўлиб, улар эски замонларда қурилган, кўриниши ғариб, шакли тўрт бурчак ҳавода қад кўтарган ажойиб бино. Айниқса иккала катта эҳром ана шундай. У ердага саҳройи араб ёрдамисиз уларнинг тепасига чиқиш хатарли ва машаққатли. Уларнинг атрофлари жуда кенг. Ҳайкалдек катта қоялардан ажойиб қилиб лойиҳа қилинган. Аммо иккала катта эҳромни ясалиши мустаҳкам ва муҳандислари яхши бўлгани учун шамолнинг эсиши, ёмғирнинг қуйиши, zilzilаларнинг силкиниши таъсир қилмайди.

Улар ҳаётларида ажраб турганларидек ўлганларидан кейин ҳам бошқа подшоҳлардан ажраб туришни ва замонлар мобайнида зикрлари қолишни хоҳлаган подшоҳларнинг қабрлари.

Мисрлик катта эҳромни бино қилинишида шуғулланувчилар доим ҳар уч ойда юз мингтаси бошқа юз мингта билан алмаштирилган. Уни бино қилувчи подшоҳнинг номи (Хуфу) экан. Буни дафн қилиш учун тайёрланган хонани еридаги тошга нақш қилинганидан топганлар.

Кейинчалик аниқ бўлдики, ўша ер аҳолиси бу эҳромларни бино қилишда азоб чекканлари сабабли подшоҳлар ўлганларидан кейин жуссаларини майда майда бўлақлар қилиб чиқариб ташлашга қасам ичганлари учун катта эҳромни ва иккинчи эҳромни бино қилган подшоҳлар у ерга кўмилмаган. Буни сезган иккала подшоҳ яқинларига жуссаларини душманларидан сақлаш учун эҳромга дафн қилмасдан бошқа қабрга дафн қилишни васият қилганлар. Иккинчи эҳромни бино қилгувчининг ҳайкалини Мисрдаги ёдгорликлар ичидан топса бўлади.

## 49-дарс

### Сўпи тўрғай ва фил

Фил сувга борадиган йўлга бир сўпитўрғай уя қуриб, тухум қўйибди. Фил бир куни одатдагидек сувга бораётиб сўпитўрғайни тухумини босиб синдириб, болаларини ўлдирибди. Сўпитўрғай бу ҳолатни кўриб, буни филдан бошқа ҳеч ким қилмаганлигини билиб, филнинг олдига йиғлаб бориб:

- “Эй фил нимага сенинг кўшнинг бўлсам ҳам тухумимни синдириб, болаларимни ўлдирдинг, мени паст санаб, кичгина деб қилдингми?” дебди.

Фил: "Ҳа", деб жавоб берибди. Сўпитўрғай қушларнинг олдига бориб, филдан етган озорларни айтибди ва зағизғон билан қарғалардан ўз хийласини амалга ошириш учун бирга бориб филнинг кўзини кўр қилишга ёрдам беришларини талаб қилибди. Сўнгра улар бирга бориб, филнинг кўзи кўрмай, сув ичадиган овқат ейдиган йўлини топа олмайдиган бўлгунича чўқибдилар. Сўпитўрғай филнинг кўзи кўр бўлганига ишонгач, қурбақалар яшайдиган кўлга бориб, уларга филдан етган озорларни шикоят қилибди. Қурбақалар бу катта подшоҳга қарши сенга қандай ёрдам берамиз, дебди. Сўпитўрғай қурбақаларга: "Сизлар мен билан бирга яқиндаги чуқурга бориб, вақвақлашларингни хоҳлайман", дебди. Қурбақалар шунга рози бўлиб, ҳаммалари яқиндаги чуқурга бориб вақвақлашибди. Чанқоқлик қийнаган фил қурбақаларнинг вақвақлашларини эшитиб, у ерда сув бор деб ўйлаб, у тарафга бораётиб чуқурга йиқилибди. Сўпитўрғай филнинг ёнига келиб: “Эй кичгиналарни паст санайдиган, куч ва қуввати билан ғурурланадиган золим, жисмим кичгина бўла туриб, жуссуси катта сенга қандай хийла қилганимни кўрдингми?” дебди.

## 50 дарс Ҳикматли қасида

Умрингга қасам ер юзида боқий қолгувчи йўқ,  
Аллоҳ тақдирга битган ишни ман қилгувчи йўқ.

Агар қўлида бўлса ҳам Ирок ери,

Кишига белгиланган ризкидан бошқа насиба йўқ.

Инсонларнинг дунёдаги адашгани,  
Дунёга боғланиб, манзил куриб, унга мухаббат қўйгани.

Умрни зоя қилган энг зарарли нарса,  
Ортиқча мол ошиқ учун жамланса.

Сен машғул бўлган нарсаларнинг энг афзали китобдир,  
Унинг таъми тотли, ўзи кўп нафдир.

Ва китобни дақиқ маъноларни ифода қилиб берадиган,  
Ақлли, зийрак, мустаҳкам дўстдир.

Подшоҳлар зикри ўз асрида қолгувчидир,  
Оддий уламолар зикри боқий бўлгувчидир.

Қанча илмлар борки мол ва мартаба йиғди,  
Қанча моллар борки, урушлар пайдо қилди.

Дирҳамларнинг фойдаси йўқ бўлса у нодонда,  
Сотади дирҳамни инфоқ қилиш ўрнида.

Агар юкланса соф тилло туяга,  
Фахр ҳисобланмас бу унга.

## 51-ҳикоя

### Ҳикматли қасида

Бахил бойга ҳосил бўлган ишларнинг энг хунуги,  
Меши тўла суви бўлиб, тиқилиб қолгани куни.

Агар қўли тўлса пулга, айланади у пулнинг қулига,  
Умид қилмайди қулликдан озод бўлишга.

Огоҳ бўлгин эй мол йиғувчи,  
Тўпладинг молни ўткинчи замонда.

Агар ердаги барча молни тўпласанг ҳам,  
Бўлмайсан яшашингда тақдирдан омонда.

Ҳар куни мингта қўчқор ейсанми,  
Ва бир кийим устига минг кийим киясанми.

Молнинг ортиқчаси беҳуда кетгувчидир,  
Худди ичи тўла косага ортиқча сув қуйган каби.

Нур сочувчи илмли давлатлар эскириб,  
Ингичка сарғайган давлатлар бўлиб қолди.

Уларнинг билакларида бузуқлик кўринди,  
Ва жоҳиллик йўлакларидан манзиллар олди.

Эргашишдан ожиз қолган тайинсиз одамлар,  
Жоҳилликда ўзиб кетишни даъво қилдилар.

Маҳалла кишилари ҳалок бўлишса гар,  
Қавмнинг кичиги ажрашга қасам ичар.

Инсонларнинг дунёда хурсандлари,  
Эрта-ю кеч емоқликни ўйлайдиган жоҳиллари.

Уларнинг қийналгувчилари ҳар куни,  
Ҳар бир чақилинувчини эмловчи раисидир.  
(Шайх Насиф ал-Язжий)

## 52-ҳикоя

### Итнинг зийраклиги

Англия шаҳарларидан бирида бир тижоратчининг ёшлигидан тарбия қилиб олган ити бор эди. У итларнинг орасида зийраклигининг кучлилиги туфайли камёб бўлиб, ишора ва гапларни инсонлар гапни тушунганидек англлар эди. Эгаси уни яхши кўргани сабабли бир соат ҳам айрилиққа чидай олмайдиган даражада қадрли эди.

Ўша шаҳарда тижоратчи билан дўст тутунган маккор киши бор эди. Кўпинча тижоратчидан қарз сўраб келарди. Тижоратчи у билан дўст бўлгани ва унга ишонгани учун тилхат ёки ҳужжат сўрамасдан талаб қилган дирҳамларини берар эди. Бу киши ўзига-ўзи: "Дўстимнинг моли кўп, мендан тилхат ёки ҳужжат сўрамайди, ундан маълум бир муддатга қарз олиб, сўнгра уни инкор этаман", деб таъма қилиб, ҳийла қилмоқчи бўлибди ва бир куни қуёш ботиш пайти, тижоратчи ишхонада ҳеч ким қолмагани учун итини олиб кетишга ҳозирланиб турганида, унинг олдига кирибди. Тижоратчига қараб: "Эй дўстим! Ўн беш кунга 500 лира қарз сўраб келдим, қайтариш вақти келганда зиёдаси билан қайтараман ва бу вақтда келганимни айб санамаслигингни хоҳлайман", дебди. Тижоратчи унинг талабига ижобат қилиб, сўраган нарсасини берибди. У дирҳамларни олиб, ишхонада иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқлиги, дўсти ундан имзо чекишлигини талаб қилмаслигини билиб, ҳийласини мукамал қилиш мақсадида, ҳужжат ёзишни буюрасанми, кетишимдан олдин имзо қўяман,

дебди. Тижоратчи дўстига, котиб кетди, дафтар ва варақлар қулфланган, ҳужжат ёзишга ҳожат йўқ. Агар қарз олганингни инкор қилишингдан қўрқсам, итим мол олганингга гувоҳ бўлади, дебди, ва итига қараб, ҳазил тариқасида бу киши мендан 500 лира қарз олиб, 15 кун ўтганидан кейин қайтариб беришини ваъда қиляпти деб, унинг қўлидаги дирҳамларга ишора қилибди ва муддат кунларининг сонини бармоқлар билан кўрсатибди. Ит соҳиби ишора қилган пайтда, эгасининг мақсадини тушунгандек бошини қимирлатибди. Сўнг киши ҳам тижоратчи ҳам ишхонадан чиқиб ўз манзилларига кетибдилар.

Муддат тугагач киши дирҳамларни қайтаришга келмабди, тижоратчи молимизни қайтиб олиш вақти келди аммо дирҳамларни олиб келмади. Эҳтимол нимадир содир бўлганми, деб ўйлаб, муддат келганда ҳам қайтаришини талаб қилмабди, у ҳам келмабди. Тижоратчи шубҳаланиб, унинг олдига котибларидан бирини юборибди. Лекин у киши буни инкор қилибди ва котибга: "Менда бошлиғингнинг моли йўқ", дебди. Котиб бошлиғининг олдига қайтиб, у кишининг гапини етказибди, тижоратчи шу онда туриб, унинг олдига ўзи бориб, дирҳамларини талаб қилибди. Киши менда молинг йўқ, деб жавоб берибди. Тижоратчи сенда 500 лира маблағим бор, фалон куни мендан 15 кунга қарзга олгандинг, уни қайтариш вақти келганди, сендан буни ўртамиздаги дўстлик сабабли сўрамаган эдим, дебди. Киши сендан қарз олмаганман, сенга берадиган дирҳамим йўқ, дебди. Тижоратчи унинг нияти ёмонлигини сезиб, уни олдидан кетибди ва ҳокимнинг олдига бориб, унга даъвосини арз қилибди.

## 53-дарс

### Итнинг зийраклиги

Ҳоким қарздорни чақириб, унга: "Бу тижоратчидан сен 15 кунга деб, 500 лира қарз олиб, муддат тугаганига бир неча кун бўлса ҳам қарзингни бермаётганингни айтаяпти, бунинг даъвоси тўғрими?" дебди. Қарздор ҳокимнинг олдига ҳам унинг гапларини рад этиб, ҳокимга қараб, бу ёлғон ва

бўхтондан бошқа нарса эмас, дебди. Ҳоким тижоратчига қараб, қарздорнинг гапларини эшитдинг, сенда қарз берганинг ҳақида хужжат ёки гувоҳ борми? дебди. Тижоратчи ҳокимга: "Дўстига қарз бераётган пайтида унинг олдида итидан бошқа ҳеч ким йўқлигини ва бу ит масалани ойдинлаштириб беришини айтибди. Ҳоким унга: "Сендан дирҳамларни қарзга олган киши ҳақида бизга итинг хабар беради-ми? Дебди. Тижоратчи: "Ҳа", дебди. Ҳоким таажжубланиб:

- Қандай қилиб, дебди. Тижоратчи:

- Мен итимга қарздорни эслатаганимдан кейин гарчи юз кишининг орасида бўлса ҳам уни ошкор этади, дебди. Шу пайтда ҳоким қарздорга қараб:

- Дўстингнинг гапини эшитдинг, бунга нима дейсан? Дебди. Киши:

- Агар у айтганидек ити ишора билан мен аниқлаб берса, пулни икки баравар қилиб бераман. Мабодо бу ёлғон бўлса у менга яна 500 лира беради, дебди. Тижоратчи унга мен розиман, дебди. Ҳоким котибга буни ёзиб қўйишини буюрибди ва уч кундан сўнг тижоратчи ити билан маҳкамага боришлиги, сўнг қарздор дўстлари билан бир жамоа бўлиб келишлиги, ит уни таниб, қавмнинг орасидан ажратса ва унга қарата аниқ ишора қилса, тижоратчи молини қайтариб олишлигига келишибдилар.

Тижоратчи ишхонага бориб, қарздор дирҳамларни сўраб келган пайтда ўтирган жойга итини чақирибди ва унга ишора ва сўзлар билан ўша кишининг сифатини, у келган вақтда олдида ҳеч ким йўқлигини, дирҳамларни қандай олганини эслатибди ва қарздор буни инкор қилиб, уч кундан сўнг маҳкамага тортилиши учун боришлигини тушунтира бошлабди. Сўнг итига қарата: "Эй зийрак ит, мен сендан уни ҳоким олдида инсонларнинг орасидан ажратиб олиб, унга аниқ ишора қилишлигингни хоҳлайман. Ҳокимнинг олдида шунга қарор қилдим, чунки сендан бошқа гувоҳим йўқ, дебди. Тижоратчи итига мулойим сўз ва ишоралар билан тушинтиришда бардавом бўлибди ҳаттоки ит хўжайнининг гапларини тушунганлигини билдириш учун бошини қимирлата бошлабди. Тижоратчи ити билан ваъдалашган кунгача қарздор ҳақида гаплашишда давом этибди.



Тижоратчи ваъдалашган куни итини олиб, ҳокимнинг олдига кириб борибди. Бу хабар шаҳарга тарқгани учун, кўп кишилар нима бўлиши, ит нима қилишига қизиқиб келибдилар. Сўнг қарздор бир жамоа дўстлари билан бир хил кийим кийиб кириб келиб ҳовли саҳнасидан узоқда тўхтабдилар. Ҳоким тижоратчига юзланиб, қарздор келди, итингни қўйиб юбор, унинг қарздорлигини исботлашимиз учун уни дўстлари орасидан аниқлаб берсин, дебди. Тижоратчи итини чақириб, сендан бизга фалон куни, фалон вақтда ишхонага келиб, биздан қарз олиб ҳозир инкор қилаётган қарздорни бу инсонларнинг орасидан ажратиб, аниқлаб беришингни хоҳлайман, деб қўйиб юборибди. Ит шу заҳоти жамоатни ёриб кириб, ҳар бир инсонга қараб хидлай бошлабди. Шу аснода давом этиб ногаҳан кўзи қарздорга тушибди, ит уни таниб, йиртқич бўридек ташланиб кийимидан тишлаб йиртиб юборибди. Киши кўрқиб: “Эй одамлар, бу итни эгасини молини олганман, мени бундан қутқаринглар, қарзимни икки баравар қилиб бераман”, деб бақира бошлабди. Шу вақт тижоратчи келиб итини қайтарибди ва қарзини ундириб олибди. Барча инсонлар бу итнинг зийраклиги, фаҳми кучлилигидан таажжубга тушибдилар.

## **54-ҳикоя**

### **Гул ҳақида қасида**

Гуноҳларнинг ҳид таратмаслиги,

Аллоҳдан бўлган бизга яхшилик.

Гар шундай бўлмаганда,

Икки кийимга ўралгувчимиз ҳам бўларди шармандалик.

Қанча азизларни кўрдинг, унда биқинлар очилган.

Ердаги инсонларнинг баъзисининг ўлими баъзисига футуҳ бўлган.

Киши бир кун руҳсиз жасадга айланади,  
Ҳар бир тирикнинг пешонасида ўлим белгиси пайдо бўлади.

Ҳар биримиз ғафлатдамиз,  
Эртаю-кеч келиб кетар ўлимимиз.

Замонлар сузиб юргувчи ҳар бир кишини,  
Охиратга сузиш навбати келар бир куни.

Бақриб йиғла эй бечора нафсинга,  
Агар йиғлар бўлсанг унга.

Нух умрича умр кўрсанг ҳам,  
Дунёда асло боқий қолмассан.  
(Абу ал-Атаҳия)

## 55-дарс

### Ёмонликни яхшиликка йўлиқиши

Ҳорун ар-Рашиднинг хотини бир куни қасрида ўтирганида, хизматкори кириб, эски кийим кийган бир чиройли аёл сизни эскидан танишини айтиб киришга изн сўраяпти, деди. Зубайда аввал киришини инкор қилган бўлса-да, ёнидаги жорияларидан бири изн беришини илтимос қилганлиги учун рухсат берди. Ямоқ кийим кийган бўлсада чиройли, оддий хилқатли бир аёл ҳаё билан кирди ва ўтирганлар ёнига келиб салом берди. Зубайда унинг саломига алик олиб: "Кимсан", деди. Аёл, мен, замонлар қувғин қилган, дунё бевафоликларига ташланган, эркаклари ўлган, ўликларига риоя этилмаган, дўстлари жафо қилган ва кўчада қолган бир аёлман, деди. Зубайда насабинг кимлардан, деди. Аёл Муҳаммаднинг ўғли Марвоннинг қизи Робибаман, деди.

Буни эшитган Зубайда, Аллоҳ тирик қўймасин, саломат ҳам қилмасин сени, деди. Аёл, шаъни улуғ вақтидаги юз берган баъзи ҳодисаларни эслатди ва: "Эй амакимнинг қизи, сени қайси ёмонлик ёки силаи раҳмни кесиш ажаблантирдики ҳатто менга ҳам шу муомалани қилдинг", деди ва чиқиб кетди. Зубайда қилган ишидан пушаймон бўлди ва аёлнинг орқасидан жориясини юборди, аёл жориянинг қайтарганига қайтмагач, Зубайданинг ўзи туриб, аёлнинг орқасидан югуриб бориб йўлакда уни топди ва узр сўраб қайтариб келди. Сўнг Зубайда жорияларига, аёлни ювинтириб, яхши кийимлар кийинтиришга буюрди. Аёл чиройли кийимлар кийиб, хушбўйланиб Зубайданинг олдига кириб келганди, Зубайди уни туриб кутиб олди ва кучоқлаб, хурматини ўз ўрнига қўйди. Халифа келгач Зубайда бўлган воқеани унга айтиб берди. Халифа унга раҳмат айтди ва у аёл учун қаср қуришни, хизматига жориялар таъйин қилишни амр қилди.

## 56-дарс

### Ҳикматли қасида

Қачонки эга бўлгандим қаноатга,  
Эга бўлдим бойликни камбағаллик каби кўришга.

Бойликдир, кифоясига қаноат қилиш,  
Фақирликдир, фақат мол давлатга муҳтож бўлиш.

Гар йигит нафсини ақлидан тўсаркан,  
Кўрқувлардан холи бўлиб тўғри йўлни топаркан.

Агар йигит одат қилса ҳар-хил тусга киришни,  
Қўлга кирита олмас абадий висол тамин тотишни.

Ўлдир хавойи нафсингни гар чақирса сени фитнага,  
Ўлдиргин уни ўша ўринда бир зарбада.

Қаҳрамонлик қила олмасанг уруш авжигга чиққанда,  
Сақла ўзингни қаҳрамонлар одат қилган маконда.

Сақла тилингни фахш сўздан сукут билан,  
Сақла ўзингни оқибати ёмон гапдан.

Агар таъма қилсанг кийибсан хорлик кийимин,  
Албатта тамагирлар олган хорлик мақомин.

Агар имтиҳон қилинсанг фидо қилиш билан нафсингни,  
Фазилатли, саховатли кишига фидо қилгин уни.

Аҳли ақл улуғлар билан соф муомала қил,  
Пасткашлар билан дўст бўлишдан сақланишни бил.

Бергин молингдан қариндошларинг ва маҳрамларингга,  
Яхшилик қилишда доим бўлгин барча дўстларингга.

Комил инсон саналмас киши,  
Ҳатто зийнатламаса гапини қилган иши.

Қанча паст мақомлилар борки кўтарди уни қилган иши,  
Қанча олий мақомлилар борки туширди уни хато иши.

Ақли заиф кишилардан қанчаси,  
Зийнатлади ақлини амал қилган намунаси.

Кишилардан қанчаси зоҳири киши,  
Агар кашф қилсанг уларни ақлга тўғри келмас қилган иши.  
(Абу ал-Атоҳия)

## 57-дарс Ёрдам сўраш

Барча ишончларим ёлғиз Ўзингадир эй Беҳожат Зот,  
Мавлосига ишонган банда зафар топар дарҳақиқат.

Сен меҳрибон, билимдон улуғ ишларда ёрдам сўралгувчи,  
Мадад ва ёрдам фақат сендан бўлгувчи.

Агар йиғгувчи кишига ёрдам қилмасанг,  
Фойда топмас тайёргарлик ва жамғаргани билан.

Ҳимоя сўрагувчи чўзмаса қўлин сенга,  
Борлиқда қўлини ким чўзар унга.

Эй Аллоҳим, мулкда шериги йўқ Парвардигорсан,  
Беҳожат бўлган ёлғиз Илоҳсан.

Осмонлару ер сенга тасбеҳ айтгувчидир,  
Туғилган ва туғилаётган ҳар бир нарса сени поклагувчидир.

Таянишга муҳтож ҳар бир заиф бандага,  
Сахийсан олсанг уни меҳрибончилигинга.

Агар банда сендан узоқлашса бир кун,  
Узоқлашмас ундан Сенинг ҳалимлигинг.

Сабр қилиб бўлмайдиган машаққатда,  
Бизга ёрдам бергувчисан албатта.

Таянчиғингдан бошқасини хоҳласак ҳам кўрмасмиз,  
Ато қилганингдан бўлагини изласак ҳам топа олмасмиз.

Эй ҳар бир жасадни ўлдиргувчи ва тирилтиргувчи,  
Рух, жасад ва ҳаётни бергувчи.

Агар ёрдам берсанг, душманлар зарар қила олмайди,

Агар ҳиба қилсанг, ҳасадлар фойда бермайди.

Сен осон қилгувчисан гапни ва ишни,  
Иноятинг билан берасан тавфиқ ва рушдни.

Эй ҳар бир нарсанинг молики, ҳиба қил менга мағфиратни,  
Ўчиргин ҳисобига адад етмас гуноҳни.

Тавба қилганларга афвни ваъда қилдинг,  
Ваъдасига хилоф қилмагувчисан Ўзинг.

*(Шайх Насиф ал-Язжий)*

**Аллоҳнинг ёрдами билан 3-китоб тамомига етди.**